

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ФАКУЛЬТЕТИ
«ЗООТЕХНИЯ» ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

“Қишлоқ хўжалик техникалари, фойдаланиш ва таъмирлаш”
кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН ”

«Қишлоқ хўжалигини
механизациялаш» факультети
декани, доцент
_____ Д.А.Абдуллаев
“ ” _____ 2014 й.

“Ҳимояга рухсат этаман”

Қишлоқ хўжалик техникалари,
фойдаланиш ва таъмирлаш
кафедраси мудири, доцент
_____ И.Ғ.Мирзаев
“ ” _____ 2014 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Андижон вилояти, Олтинкўл тумани «Бахт Имкон Ривож
чорваси» наслчилик фермер хўжалигида швиц зотли бўзоқларнинг
жинсий ва физиологик етилишига озиқлантириш даражасини
таъсирини ўрганиш.

Ишни бажарувчи:

ТЎРАЕВ ХУСНИДДИН

Иш раҳбари: катта ўқитувчи

И.А.СОБИРОВ

Андижон - 2014 йил

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

(олий ўқув юрти)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

“ЗООТЕХНИЯ” ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кафедра мудири, доцент _____ И.Ғ.Мирзаев

“13” январ 2014 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____ Тўраев Хусниддин

1.Битирув малакавий ишининг мавзуси: Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож чорваси” наслчилик фермер хўжалигида швиц зотли бўзоқларнинг жинсий ва физиологик етилишига озиқлантириш даражасини таъсирини ўрганиш. Кафедра мажлисида маъқулланган. “13” декабр 2014 йилдаги №288-Ст рақамли ректорни буйруғи билан тасдиқланган.

2.Битирув малакавий ишни топшириш муддати: 15 май 2014 йил

3.Битирув малакавий ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар: Малакавий ишлаб чиқариш амалиёти материаллари, норматив адабиётлар, Қорамолчилик ва Хайвонларни озиқлантириш технологияси, Хайвонлар физиологияси фанларига оид ўқув-илмий адабиётлар

4.Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати): 1.Кириш. 2.Адабиётлар шархи. 3.Хўжаликнинг табиий-иқтисодий тафсилоти. 4.Асосий қисм (тажриба натижалари). 5.Иқтисодий қисм. 6.Мехнат муҳофазаси. 7.Хаёт фаолияти хавфсизлиги. 8.Хулоса ва таклифлар. 9.Адабиётлар рўйхати.

5.Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади) Тақдимот жадваллари:

1-жадвал.Тажриба учун ажратиб олинган бўзоқларнинг кўрсаткичлари.

2-жадвал.Назорат гуруҳидаги бўзоқларни озиқлантириш рациони.

3-жадвал. Тажриба гуруҳидаги бўзоқларни озиқлантириш рациони.

4-жадвал.Тажриба учун ажратиб олинган бўзоқлар учун сарфланган озиқалар миқдори тахлили.

5-жадвал.Тажрибадаги бўзоқларнинг ўртача мутлоқ, кунлик ва нисбий ўсишининг тахлили.

6-жадвал.Тажриба учун ажратилган бўзоқларнинг ўртача маҳсулдорлик кўрсаткичлари тахлили.

7-жадвал.Тажриба давомида бўзоқларга сарфланган озиқалар сарфи.

8-жадвал. Таҷрибанинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи (лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.ш	Имзо	Сана
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1.	<i>Хаёт фаолияти хавфсизлиги</i>	<i>Т.Ф.Н. доцент Қосимов К.З</i>		

7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1.	<i>Кириш</i>	29.01.14	
2.	<i>Адабиётлар шарҳи</i>	15.02.14	
3.	<i>Хўжаликнинг табиий-иқтисодий тавсифи</i>	20.03.14	
4.	<i>Асосий қисм (таҷриба натижалари)</i>	30.03.14	
5.	<i>Иқтисодий қисм</i>	01.05.14	
6.	<i>Хаёт фаолияти хавфсизлиги</i>	05.05.14	
7.	<i>Хулоса ва таклифлар</i>	10.05.14	
8.	<i>Адабиётлар рўйхати</i>	12.05.14	

Битирув малакавий иши раҳбари: _____ **катта ўқитувчи, И.А.СОБИРОВ**

Топшириқни бажаришга олдим: _____ **ТЎРАЕВ ХУСНИДДИН**

Топшириқни берилган вақти: **“13” январ 2014 йил**

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб чорвачилик тармоғида бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган кенг кўламдаги ислохотларни амалга ошириш бошланди. Тармоқда хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий шарт-шароитлари ўзгариб, турли мулкчилик шаклларидаги хўжаликларнинг тенг ҳуқуқли рақобат шароитида фаолият юритишлари таъминланди.

Ўтган қисқа даврда деҳқон ва фермер хўжаликлари республикадаги бошқа тоифали мулк шаклларига нисбатан ўзининг афзаллигини, устуворлигини намоён этди. Қишлоқ аҳолиси бандлигининг ўсиши, унинг даромади, умуман турмуш даражасини ошириш, ички бозорни гўшт, сут маҳсулотлари билан барқарор тўлдиришнинг муҳим омили сифатида чорвачиликка ихтисослашган деҳқон, фермер хўжаликларининг ривожига ҳукумат томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришнинг рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорини амалга оширилиши бугун ўзининг сезиларли натижаларини бермоқда.

Ушбу дастурнинг узвий давоми сифатида 2008 йилнинг 21 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-842 қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтириш, наслчилик ишларини такомиллаштириш, омихта ем ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ветеринария хизматлари кўрсатишни яхшилаш, кенг кўламли солиқ имтиёзлари ва преференциялар, кредитлардан

фойдаланишни кенгайтириш каби комплекс тадбирлар режаси ўз ифодасини топган.

Юқорида кўзланган мақсадлар учун 2008-2013 йилларда 120,7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Бу ўтган йилларга қараганда 30% га кўпдир. Бироқ, чорвачилик тармоғида фаолият кўрсатаётган деҳқон ва фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор муаммолар мавжуд.

Тахлиллар натижаси кўрсатишича, сўнги 10 йилда республикада чорва моллари бош сони ортиб боришига қарамай, маҳсулдорликнинг пасайиши, аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш меъёрлар даражаси билан номуносиблиги, тармоқда моддий-техник, ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда кенг қамровли тадбирлар олиб боришни тақозо қилади.

Бугунги кунда чорвачилик маҳсулотларини 93-95%и деҳқон хўжаликларида етиштирилади. Мавжуд моллар зотдорлиги ва ирсий хусусиятлари сут ҳамда гўшт маҳсулотларини кескин кўпайтириш имконини бермайди. Бу эса аҳолига зотдор моллар етказиб бериш, парваришлаш, маҳсулдорлигини таъминлаш бўйича саводхонлик даражасини ошириш масаласини ижобий ҳал этишга ундайди.

Пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликлар экин майдонлари таркибида ем-хашак экинларини экиш кўзда тутилмагани боис алмашлаб экиш тизими издан чиқиб, ем-хашак экинлари майдони қисқариб кетди. Ушбу ҳолат деҳқон ва фермер хўжаликларига озика экин майдонлари учун қўшимча ер ажратиш тизимини қайта кўриб чиқиш, мавжуд ҳосилдорлик кўрсаткичларини 3-4 баробарга ошириш имкониятларидан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Бундан ташқари қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга:

- деҳқон хўжаликлари сонини кўплиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг кичиклиги чорвачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш, техник ускуналар сотиб олишни талаб этиши;

- чорвадор меҳнатининг якуний натижалар билан боғлиқлиги таъминланмаганлиги, кафолатлилиги, нархлар тизими ва тармоқ учун зарур саноат маҳсулотларига баҳо сиёсатини бошқариш масалалари;

Мавжуд ҳолат чорвачиликка ихтисослашган деҳқон, фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш, рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш заруриятини белгилайди.

Қўйилган мақсад доирасида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ўзининг ижобий натижасини беради.

- чорвачиликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларини ўзига хос хусусиятлари ва ривожлантириш тажрибаларини умумлаштириш;

- тармоқда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижаларига илмий баҳо бериш;

- кичик ҳажмдаги ва тарқоқ чорвачилик хўжаликларига техник таъминот ва зооветеринария хизматлари кўрсатиш борасидаги муқобил хизмат шакллари ривожлантириш;

- экологик ҳавфсиз гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш, маҳсулот истеъмолга чиқиши олдидан ветеринария ва санитария кўригидан ўтказилишини иқтисодий ва ҳуқуқий рағбатлантириш;

- сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш, ҳисоб-китоб ва ҳисобот ишларини такомиллаштириш.

Ўзбекистон шароитида чорвачилик тармоғи иқтисодиёти, маҳсулот етиштириш самарадорлиги, рақобат муҳитини ривожлантириш муаммоларининг ечимлари ушбу вазифаларни изчил ҳал этилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг асосий шартларидан бири мавжуд чорва ҳайвонлари учун мустаҳкам озиқа базаси яратиш, мақсадли селекция-наслчилик ишларини ташкил этиш, мавжуд фермер хўжаликларини

замонавий технологиялар, машина ва механизмлар ҳамда агрегатлар билан таъминлаш, шунингдек жамоат чорвачилигини саноат технологияси негизига тўла ўтказиш ва уни ихтисослаштиришдан иборат. Наслчилик фермер хўжаликларида мустахкам озиқа базасини барпо этиш келажакда наслдор сигир ва новвослар гуруҳини яратишнинг асосий омили ҳисобланади. Наслдор сигир ва новвослар гуруҳини яратишнинг бош мезони ёш бузоқларни меъёрида боқиш, уларни тўғри асраш ва парвариш қилишдан иборат.

Бузоқларни мақсадга мувофиқ тарбиялашнинг жуда кўп усуллари мавжуд бўлиб, улардан бири бу бузоқларни ўсиш ва ривожланиш давларида семиртиришни ёки ўстиришни режалаштириш ва озиқлантиришни шунга асосан бошқариш ҳисобланади. Ўстиришни режалаштириш бу аниқ мақсадга йўналтирилган, ёш ҳайвоннинг ўсишининг ҳамма давларида кунлик зарур семиртиришга эришадиган тадбирдир. Бузоқларни ўстириш режаси ҳайвоннинг зоти, зотнинг биологик хусусиятлари, маҳсулдорликнинг йўналишига қараб ишлаб чиқилиб, сўнгра амалга оширилади.

Ёш ҳайвонларни мақсадга мувофиқ ўстириш ҳайвонларни катта бўлганидан сўнг фойдаланишига қараб икки хил бўлиши мумкин:

1. Наслли ёш ҳайвон етиштириш;
2. Насл учун мўлжалланмаган (товар маҳсулот ишлаб чиқариш учун) ҳайвонлар етиштириш усулларига бўлинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, четдан келтирилган сигирлардан олинган бузоқларни тўғри боқиш, асраш ва парвариш қилиш келажакда зот стандарти талабига жавоб берадиган сигирлар ва наслдор новвослар етиштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда сигирлардан олинган бузоқларнинг жинсий ва физиологик етилишини ўрганиш бўйича тажриба-кузатув ишлари Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож чорваси” наслчилик фермер хўжалигининг қорамолчилик фермаси шароитида боқилаётган швиц зотли

бузоқлар подасида ўтказилди. Тажриба-кузатув ишлари давомида хўжалик шароитида парвариш қилинаётган сигирлардан олинган швиц зотли бузоқларнинг жинсий ва физиологик етилиши ва маҳаллий сигирлардан олинган бузоқларнинг жинсий ва физиологик етилиши ўзаро таққосланди ва уларни ўсиш самарадорлиги ўрганилди.

II. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Ҳайвон организми ташқи муҳит билан чамбарчас боғланган бўлиб, ташқи таъсирсиз ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Ташқи муҳитнинг барча шарт-шароитлари ичида энг муҳими сифатида ҳайвонларни озиқлантириш тилга

олинади. Тўғри озиқлантириш ҳайвонларнинг соғлиги ва юқори маҳсулдорлигини таъминлайдиган кўрсаткич ҳисобланади. Шу сабабли касалликларга қарши курашувчанлигини оширади, ёш ҳайвонлар нормал ўсиб ривожланишининг асоси ҳисобланади. Ёмон озиқлантириш шароитида касалланган ҳайвонда нормал озиқлантираётган ҳайвонга нисбатан касаллик анча оғир кечади. Озуқа сифатли бўлиши зарур. Бунинг учун уларни тўғри йиғиштириш, сақлаш ва фойдаланиш зарур.

Қорамоллар маҳсулдорлиги ва бошқа сифатларининг шаклланишида озиқлантириш ва сақлаш самарадорлиги ҳамда уларнинг йўналтирилган таъсири ҳайвонлар эмбрионал ва эмбрионалликдан сўнгги даврлардаги улғайиш қонуниятларига асосланиши керак. Индивидуал улғайиш қонуниятларини ўрганишда Г.А.Шмидт, П.Д.Пшеничный, К.Б.Свечин ва бошқалар ўз хиссаларини қўшишган. **(У.Н.Носиров, Қорамолчилик, Тошкент, 2001 йил, 300 бет)**

В.И.Фёдоров ўзининг “Молларни ўсиш, улғайиш ва маҳсулдорлиги” номли илмий асарида ўсиш ва улғайишнинг назарий ҳамда амалий асосларини кўрсатиб берган. Индивидуал улғайиш қонуниятларига асосан ҳайвонларнинг ўсиш ва улғайиши икки катта даврга бўлинади: эмбрионал ва постэмбрионал. **(У.Н.Носиров, Қорамолчилик, Тошкент, 2001 йил, 300 бет)**

А.Садовский, Д.Садовскаяларнинг таъкидлашича, жинсий етилиш 13 ойлик ва ундан катта ёшдаги ғунажинлар фақатгина яхши, сифатли ем-хашакдан иборат рационни истеъмол қилиш баробарида нормал ривожланиш ва ўсишни таъминлай оладиган ошқозон сиғимига эга бўлади. **(Зооветеринария журнали, 2010 йил, 8-сон, 27-29 бет)**

Дональд Х.П маълумотларига кўра, айршир зотли сигирларни джерсей зот буқалар билан қочирилганида дурагай F_1 авлод бузоқлари ўртача 34,3 кг бўлиб туғилган ва аксинча джерсей зот сигирларни айршир зотли буқа уруғи билан қочирилганда фақат 26,7 кг тирик вазнга эга бўлган бузоқлар туғилган.

Свечин К.Б қора-ола зот қорамолларини абердин-ангус зот қорамоллари билан чатиштириб, она ҳайвоннинг таъсири 18 ойлик таначаларга, яъни буқачаларга нисбатан катта бўлганини исботлади.

Иванов М.Ф томонидан қўйларни чатиштиришда олган хулосаларига кўра янги туғилган қўзиларнинг тирик вазни она ҳайвон тирик вазнига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, ота ва она ҳайвон зотларини жуфтлаш учун танлаб олинган авлоднинг тирик вазни, гўштдорлик, шунингдек кўп жун бериши ва бошқа фойдали белгиларни рўёбга чиқариши жуда муҳим экан.

Бузоқларни ёшлигидан бошлаб олдиндан мўлжалланган мақсадни кўзлаб озиқлантириш билан уларнинг экстерьер ва конституция турларини ҳамда маҳсулдорлик кўрсаткичларини ҳам ўзлаштириш мумкинлиги ҳақида зоотехния фанининг асосчиларидан **Е.Ф.Лискун (1961), Н.П.Кулешов (1949), Е.А.Богданов (1947)** лар ёзган эдилар. Айнан, ёш ҳайвонларни мўлкўл боқиш кераклигини таъкидлаб, бунда алоҳида сараланган тўда хусусиятларини ҳисобга олиш кераклигини уқтиради. (**Р.Хамроқулов, К.Карибаев, Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш, Тошкент, 1999 йил, 176 бет**)

Хабибулин К.Х. (1975) тажрибасига кўра, Швиц (қўнғир) зотли моллар маҳсулдорлик йўналиши бўйича қўшмаҳсулдор зот ҳисобланади. Кўп мамлакатларда улардан ихтисослаштирилган серсут зот сифатида ишчи зот ва аралаш маҳсулот берувчи зот сифатида фойдаланилади.

Тўрақулов З.Т. (1986) маълумоти бўйича, бу зот Швейцариянинг маҳаллий қорамол зотларидан бўлиб, маҳаллий қорамолларни узоқ вақт танлаш, саралаш ва яхши шароитда озиқлантириш натижасида келиб чиққан. Швиц зотнинг келиб чиқишида Швейцариянинг тоғли яйловлари катта роль ўйнаган. Бу зот тоғли районларда келиб чиққанлиги учун тоғли яйловларни яхши ўзлаштиради.

А.П.Дмитренко ва П.Д.Пшеничний (1975) ларнинг таъкидлашича, янги туғилган бузоқларни биринчи 10-15 кун мобайнида иложи борича она сути билан озиқлантириш керак. **(Р.Хамроқулов, К.Карибаев, Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиқлантириш, Тошкент, 1999 йил, 179 бет)**

Якубов Х. Х. (1998) фикрича, швиц зотли қўнғир қорамоллар озиқага яхши ҳақ тўлайди ва тез етилади. Сўйилганда 50-60% сўйим чиқимини беради ва гўшти майин ҳамда сифати яхши бўлади.

Швиц зотли қўнғир қорамоллар серсутлиги билан ажралиб туради. 300 кунлик соғиш даврида ўртача 3500-4500 кг сут беради. Сутининг таркибидаги ёғ миқдори 3,5-4,0 % ни ташкил этади.

Бу зотнинг энг яхши хусусиятларидан бири уларни шароитга мослашишидир. Лекин, шуни айтиш керакки, бу молларга иқлим шароитига мослашиш жараёнида яхши озиқлантириш шароити яратилмаса, кутилган натижани бермайди ва кўплаб сигирлар қисир қолади.

И.Н.Чернопятов “Бузоқларни тарбиялаш” деган мақоласида бузоқларни тарбиялаш она қорнида бошланиши лозим, худди шу вақтда бузоқнинг келажакдаги соғломлиги ёки касаллигига, кучлилиги ёки кучсизлилигига, чиройлилиги ёки беўхшовлилигига асос солинади: -деб ёзган эди. Унинг фикрича, бўғоз сигирлар рационда етарли даражада протеин, ёғ, фосфор ва тузлар бўлиши лозим.

И.П.Духин (1989) 6 ойликдан ошган бузоқлар рациондаги протеиннинг 24%и маккажўхори протеини эвазига тўлдирилганда умумий протеиннинг катта қорин суюқлигида эрийдиган қисми 50% га тенг бўлиб, протеиннинг аммиак сифатида исроф бўлиши камайган, протеин ва клетчатканинг хазмланиши кўпайган. **(Р.Хамроқулов, К.Карибаев, Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиқлантириш, Тошкент, 1999 йил, 185 бет)**

Қорабоев Н.А. (1994) нинг айтишича, швиц зотли қорамоллар Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғ олди зоналарида маҳаллий зебусимон қорамолларини “яхшиловчи” сифатида ва соф ҳолда урчитишга тафсия

этилган. Швиц зотли буқачаларнинг ўсиш ва ривожланишига уларни озиқлантириш, асраш ва парвариш қилиш шароитлари жуда катта таъсир кўрсатади.

Бузоқларни боқишда биринчи ой рацион тўйимлилигини 70%, иккинчи ойда 130% қилиб озиқлантириш усули **(Н.И.Клейменов, 1989)** бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига ҳамда озиқани хазм бўлишига ижобий таъсир этади. **(Р.Хамроқулов, К.Карибаев, Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиқлантириш, Тошкент, 1999 йил, 177 бет)**

И.П. Чернопятав, Н.П. Кулешовлар маълум бир типдаги озиқлантириш орқали ўсаётган организмларнинг тана шаклини ўзгартириб юбориш, тез ёки кеч етилиши, маҳсулдорлик даражаси, сарф этилган озуқа қийматини маҳсулот билан қоплаш даражаси турлича бўлган ҳайвон етиштирилиши мумкинлигини исботлашган.

А.П.Бегучев (1971) маълумотларига қараганда турли тўқима ва аъзолар ўзига хос ривожланади, шунингдек тана, шакллариининг ўзгариши ва танада оқсил ва ёғнинг тўпланиши ҳайвон жинси, ёши ҳамда озиқлантириш типига боғлиқдир. Яхши шароитда ўстирилган бузоқ ва сут йўналишидаги урғочи таналар 12-14 ойликкача танада асосан оқсил моддаларини, кам микдорда ёғ тўплайди. Ундан кейин танада ёғ ҳосил бўлиши жадаллашиб урғочи таналарнинг урчиш хусусиятларига салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан урғочи бузоқлар ва таналар ўсиш ва ривожланишини ўстириш усуллариини қўллаб уларнинг тана ҳажми ва тирик вазнини ўзгартиришга эришиш мумкин.

Кўпчилик тажрибалар сигирлар сут маҳсулдорлигини шаклланишида таналарнинг биринчи кочириш ёшига нисбатан тирик вазни кўпроқ аҳамиятга эга эканлиги исботланган. Кўпчилик тадқиқотлар шундан дарак берадики, биринчи туққанда йирик зотлар ғунажинларининг ёши 24-28 ой, вазни эса 470-550 кг бўлгани маъқул.

Биринчи туғимни сигирларнинг 24-25 ойлигида ўтказиш биологик жихатдан асосланган, иктисодий самарали ҳисобланади. Бу эса урғочи таналарни ўстиришни жадаллаштиришни тақоза этади ёки улар 15-16 ойлигида подадаги вояга етган сигирлар тирик вазнининг 65-70% ташкил этсин.

Бузоқларни ёшлик пайтидаёқ ем, дағал ва ширали озиқаларни ейишга ўргатиш керак. Бу тадбир уларнинг ошқозон-ичак тизими ҳажмини катталаштириши ва фаолиятини кучайтишига олиб келади, бундай ҳайвонлар келажакда сигир бўлганида катта ҳажмдаги озиқаларни истеъмол қилиб, ҳазм қилиш натижасида кўп сут бериш қобилиятига эга бўлади. Бу пайтларда бузоқлар охурларида доим янги ўрилиб бироз сўлитилган беда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Дағал, ширали ва ем озиқалар 3 ойликкача аравачаларда келтириб берилади, кўл билан тарқатилади.

Ўзбекистонда урғочи таналар ва ғунажинларни ўстириш билан шуғулланувчи хўжаликларнинг озиқа захиралари ва имкониятлари бир хил эмас. Шунинг учун олиб турли мулк шаклидаги, ҳар хил озиқа захиралари мавжуд хўжаликлар урғочи таналар ва ғунажинларни ўстириш йўллари аниқланган. Бунда меъёр бўйича ўстирилган; меъёрдан ошқоча жадал ўстирилган; 6 ойгача жадал, 6-18 ойликда меъёрда, 18 ойдан тўққунча жадал ўстирилган; 18 ойликкача меъёрда, 18 ойликдан тўққунча жадал, 16 ойликдан тўққунча ўртача ўстирилган урғочи тана ғунажинлар ўсиш ривожланиши, ва сут маҳсулдорлигини шаклланиши ўрганилган.

Онегов А.П. ва бошқаларнинг (1984) текширишларида ҳайвонларни 0° С ва юқори намлиги бўлган молхоналарда сақлаганда ёш ҳайвонларнинг ўртача кунлик ўсиши 9,26 - 28% га камайиб озуқа сарфи 12-13% га, касалланиш ҳолатлари 1,5-2 баробарга юқори бўлган.

Олимларнинг кузатишларида молхоналар ҳавоси ҳароратини -1,9° - 5°С га совиши ёш молларнинг ўртача кунлик ўсишини 2 % (Онегов А.П., 1984)

критик ҳолатидан пастга тушиши 4 % га камайишини, иссиқлик ҳосил бўлишини 21,4% юқори бўлиб озуканинг кўп сарфланишини кузатишган.

Мусинов Я.Х., Чалабаев А.Ж. (2009) маълумотларига кўра чорва молларини зоогигиеник талабларга жавоб бермайдиган молхоналарда сақлаш уларнинг маҳсулдорлигини 40% гача камайишига, озуқа сарфининг 35% гача ошишига ҳамда улар орасида ўчрайдиган касалликларни 2-3 марта кўпайишига сабаб бўлади.

Нечаева З. (1984) икки хил қурилиш материалларидан йирик панелли ва темир бетондан қурилган молхоналарда сақланадиган сигирларга нисбатан маҳаллий материаллардан қурилган молхонада сақланадиган сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 16% га юқори бўлган. Молхона ҳавосининг ҳар хил ҳарорати молхоналарда сақлаган ҳайвонларнинг физиологик кўрсаткичларига таъсир қилиши аниқланган.

Умарова Э. (2010) маълумотларига кўра дехқон фермер хўжалик-ларида ёш қорамоларни етиштириш илғор технологиясини жорий қилиш ҳамда ишлаб чиқаришда ундан унумли фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бузоқлар очик ҳавода уйча-профилакторияда сақланади, уларда учрайдиган ошқозон ичак касаликлари 30% дан ошмайди ва енгил шаклда 1-2 кун давомида ўтиб кетади. Ичи кетадиган бузоқларни даволашда 1 маҳал сут ичирмай, беда пичани гули ва баргларидан тайёрланган, туз солинган қайнатма қўлланилади. Антибиотиклар эса ночор ҳолатларда ишлатилади, холос.

А.П. Онегов (1984) чорвачилик биноларида нисбий намликни 95-98% бўлиши ва ҳарорат $+8-10^{\circ}\text{C}$ бўлганда организмда азот ҳазм бўлишининг пасайиши ва қон таркибидаги шаклли элементлар ва гемоглобиннинг пасайиши, ўсиш ва ривожланишнинг секинлашиши ҳамда озуқа сарфининг кўпайиши кузатилган.

Умарова Э. (2008) томонидан ишлаб чиқилган фермер хўжаликларида ёш молларни етиштириш бўйича тавсияларда бозор иқтисодиёти даврида

чорвачиликни ривожлантириш ва озуқа манбаини мустаҳкамлаш омилларидан бири, тез шаклланиб мамлакат озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этаётган деҳқон, фермер хўжаликларида ёш бузоқларни етиштириш илғор технологиясини жорий қилиш ҳамда ишлаб чиқаришда ундан унумли фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

III. Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож чорваси” наслчилик фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий ТАФСИЛОТИ

Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож чорваси” наслчилик фермер хўжалигининг чорвачилик фермаси 2006 йили

“Вилоят мулкни хусусийлаштириш аукциони”да “Тошкент” ширкат хўжалигидан сотиб олинган бўлиб, Андижон-Олтинкўл катта трасса йўлида жойлашган. Фермер хўжалиги шимолий-шарқ томондан Андижон тумани билан, жанубий-ғарбий томондан Олтинкўл туманидаги фермер хўжаликлари экин майдонлари ва аҳоли яшаш пунктлари билан чегарадош хўжаликдир.

Фермер хўжалиги наслчилик йўналишида бўлиб, асосан швиц зотли қорамолларни кўпайтириш билан шуғулланади. Фермер хўжалиги асосан сут маҳсулотини ишлаб чиқариш ва турли чорвачилик фермер хўжаликларига насли ҳайвонларни етиштириб беришга ихтисослашган. Фермер хўжалиги янги ташкил этилган вақтларда маҳсулот ишлаб чиқариш бир мунча паст кўрсаткичларда бўлган.

Ҳозирги кунда фермер хўжалигида бир қатор самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг июнь ойида Германия давлатидан хўжаликдаги чорва молларининг наслини яхшилаш ва улар бош сонини кўпайтириш мақсадида 93 бош швиц зотли қорамоллар, 2012 йилнинг январ ойида Польша давлатидан 100 бош қора-ола, 2013 йилда Германия давлатидан яна 100 бош қора-ола зотли қорамоллар олиб келинди. Наслдор урғочи таналардан насл олиш ва подани такомиллаштириш мақсадида Франция давлатидан 4 бош қора-ола зотли сермахсул наслдор буқалар олиб келинди. Бундан ташқари фермер хўжалигида қўл меҳнатини механизациялаштириш мақсадида 2010 йилда Россия давлатидан сигирларни индивидуал соғиш машиналари сотиб олинган. Бугунги кунда Хитой давлатидан “Арча” русумли сут соғиш қурилмаси сотиб олиниб ва ҳозирда ушбу қурилма билан сигирлар соғилмоқда. Фермер хўжалигида 50 нафар ишчи ходимлар меҳнат қилиб, хўжалик томонидан уларга иш вақтини мазмунли ўтказиш, дам олиш ва бошқа ташкилий ишлар учун етарли шароитлар яратилган.

Наслчилик фермер хўжалигида чорва ҳайвонларининг умумий бош сони динамикаси қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

**Фермер хўжалигининг чорва ҳайвонларини умумий бош сони
динамикаси (бош).**

т/р	Ҳайвонлар тури	Йиллар			2014 йилда 2012 йилга нисбатан, %
		2012	2013	2014	
	Жами қорамоллар	680	736	758	111
	Шу жумладан:				
1.	Соғин сигирлар	152	183	360	237
2.	Ғунажинлар	146	150	71	49
3.	Бир ёшдан кичик бузоқлар	129	142	140	108
4.	Бир ёшдан катта бузоқлар	145	154	157	94
5.	Бўрдоқи моллар	86	85	26	30
6.	Наслли буқалар	22	22	4	18

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охирги уч йил давомида фермер хўжалигида қорамоллар бош сони кескин ортиб борган. Жумладан, соғин сигирлар 2012 йилда 152 бошни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 360 бошга етказилган, бу 2012 йилга нисбатан 237% ни ташкил этади. Ғунажинлар 2012 йилда 146 бош бўлган бўлса, 2013 йилга келиб 71 бошга камайган, уни 2012 йилга нисбатан олсак атиги 49% ни ташкил этади холос. Бунинг асосий сабаби четдан келтирилган моллар ҳисобига хўжаликнинг ўзида илгари мавжуд бўлган Швиц зотли ғунажинларни бошқа хўжаликларга сотиб юборган ва четдан келтирилган қорамоллар барчаси маҳсулот беришни бошлаган. Бир ёшдан кичик ёшдаги бузоқлар билан жорий йилда туғилган бузоқлар сонини кўшиб ҳисоблаганда 2012 йилда 129 бош бўлган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 140 бошни ташкил этган ва 2012 йилга нисбатан 108% га тенг бўлган. Бир ёшдан катта бузоқлар 2012 йилда 145 бош бўлса, 2014 йилда 157 бошга етказилган холос, бошқача қилиб айтганда бу кўрсаткични 2012 йилга нисбатан олганда 94% ни ташкил этади. Бўрдоқи моллар сони 2012 йилда 86 бош бўлган, 2014 йилга келиб 26 бошни ташкил этмоқда, яъни 2012 йилга нисбатан 30% га тенг бўлмоқда.



Бунинг асосий сабаби пода таркибидаги наслга яроқсиз ҳайвонлар, карилиги сабабли брак қилинган моллар ва катта ёшли ҳайвонлар сони кескин камайган бўлиб, кейинчалик гўштга топшириб юборилган. Наслли буқалар сони 2012 йилда 22 бош бўлган бўлса, 2014 йилда 4 бошни ташкил қилмоқда, яъни 2012 йилга нисбатан атиги 18% га тенг бўлган. Бунинг сабаби шундаки фермер хўжалиги 2014 йилдан бошлаб фақатгина чет давлатдан олиб келинган наслли буқаларни сақлаб қолган холос.

Хўжалик шу йилдан бошлаб тумандаги ва вилоятдаги барча чорвачилик фермер хўжаликларига насл сифати юқори бўлагн қорамоллар уруғини етказиб беришни мақсад қилиб иш олиб бормоқда. Умуман олганда ҳайвонларнинг бош сонини бундай кескин кўтарилишига асосий сабаблар, четдан келтирилган моллар ҳисобига ва фермер хўжалигида олиб борилаётган ижобий ишлар самараси ҳисобланади. Олтинкўл тумани хокимлигининг 2006 йил декабр ойида чиқарилган қарорига асосан фермер хўжалигига 77 гектар суғориладиган ер ажратиб берилган. Фермер хўжалигида қорамолларни озиқлантириш учун турли озиқавий экинлар

етиштириб келинмоқда. Лекин, бу экин майдонлардан етиштирилаётган махсулотлар ҳайвонларни йиллик озиқага бўлган талабини қондира олмайди. Бу муаммони бартараф этиш учун фермер ҳар йили бошқа хўжаликлардан турли озиқаларни сотиб олишга мажбур бўлмоқда.

Фермер хўжалигида ердан фойдаланиш кўрсаткичларини қуйидаги 2-жадвалда келтириб ўтамыз.

2-жадвал

Фермер хўжалигида ердан фойдаланиш кўрсаткичлари (га)

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар			2013 йилда 2011 йилга нисбатан, %
		2012	2013	2014	
	Жами ер майдони	166	172	158	95
	Шу жумладан:				
1.	Ферма майдони	6	6	7	
	Экин майдонлари:	160	166	151	94
1.	Бугдой	36	36	-	-
2.	Беда	78	78	33	42
3.	Маккажўхори	30	30	85	283
4.	Озиқа қизилчаси	16	22	-	-
5.	Оралик экин (тритикале, рапс)	-	-	33	100

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалиги учун жами 2014 йилда 158 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, ундан 7 гектарини ферма иншоотлари эгаллаган. Бугдой учун ажратилган ер майдони 2013 йилда 36 гектарни ташкил этган. Ушбу ҳолат чорва ҳайвонларини озиқлантириш учун такрорий озиқавий экинларни кўпроқ экиш имконини беради. 2012 йилда юқори озиқавийлик қийматига эга бўлган беда экини 78 гектар майдонга экилган бўлса, 2014 йилга келиб 33 гектар майдонга экилган ҳолос. Бунинг сабаби хўжалик 2014 йилдан бошлаб бир хил типда озиқлантириш усулига ўтган бўлиб, асосий озиқа бу силосланган озиқалар ҳисобланади. 2012 йилда маккажўхори дони ва силос етиштириш учун жами 30 гектар майдон ажратилган бўлса, 2014 йилда 85 гектар майдонга маккажўхори экини экилди. Бу 2014 йилда 2012 йилга нисбатан

283% ни ташкил этади. Озиқавий қизилча 2012 йилда 16 гектар майдонга экилган бўлса, 2014 йилда бу экин тури экилмади. Унинг ўрнига 2014 йилдан бошлаб 33 гектар майдонда оралиқ экин сифатида тритикале ва рапс экини экила бошланди. Жами экин майдонлари 2012 йилда 160 гектарни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 151 гектарни ташкил этди.

Хўжаликнинг ем хашак базаси дағал, ширали ҳамда донли озиқалардан ташкил топган бўлиб, такрорий экинлардан маккажўхори силос учун экилади. Чорва ҳайвонларини етарли даражада озиқалар билан таъминлаш учун экин майдонлари етарли. Бу экин майдонларига экинларни етарли миқдорда экиш учун махсус техникалар мавжуд. Чорва ҳайвонларига озиқаларни меъёрида етказиб бериш учун экинларни режа асосида экилади. Қишки мавсумга эса қуритилган дағал озиқалар ва ширали озиқалар жамғармаларга босилиб қўйилади. Экинларни ҳосилдорлигини ошириш мақсадида, экинларни парвариш қилишда етарли миқдорда органик ва минерал ўғитлар солинади. Экинларни экишда алмашлаб экиш жорий қилинган бўлиб, экинларни касалликларга чалинишини қисман олди олинади.

Фермер хўжалигини экин майдонларидан фойдаланиш ҳолатини қуйидаги 3-жадвалда келтириб ўтамиз.

3-жадвал.

Фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланиш ҳолати ва уларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари.

т/ р.	Экин турлари	Ўлчов бирлиги	2012		2013		2014
			режа	хақиқ	режа	хақиқ	режа
1.	Буғдой	га	36	36	-	-	-
2.	Беда пичан учун	га	78	78	33	33	33
3.	Маккажўхори дон учун	га	30	30	85	85	85
4.	Озиқа қизилчаси	га	16	16	22	22	-
5.	Такрорий экинлар (маккажўхори силос)	га	36	36	33	33	33
6.	Оралик экин (рапс, тритикале)	га	-	-	-	-	33
Хосилдорлик							
1.	Буғдой	цент.	65	64	-	-	-
2.	Беда пичан	цент.	120	124	120	100	120
3.	Маккажўхори дон учун	цент.	80	85	80	80	80
4.	Озиқа қизилчаси	цент.	620	630	620	620	-
5.	Такрорий экинлар (маккажўхори силос)	цент.	130	135	330	330	330
6.	Оралик экин (рапс, тритикале)	цент.	-	-	-	-	265
Ялпи хосил							
1.	Буғдой	цент.	2340	2304	-	-	-
2.	Беда пичан	цент.	9360	9672	3960	3300	3300
3.	Маккажўхори дон учун	цент.	2400	2550	6800	6800	6800
4.	Озиқа қизилчаси	цент.	13640	10080	13640	10080	-
5.	Такрорий экинлар (маккажўхори силос)	цент.	4680	4860	7260	7260	7260
6.	Оралик экин (рапс, тритикале)	цент.	-	-	-	-	8745

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики экин майдонларидан олинган хосилдорлик: Беда пичанидан кутилган ҳосилдорлик 120 центнер бўлиб, ушбу кўрсаткич 103% га бажарилган. Маккажўхори дони 80 центнер режалаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 5 центнер ортиғи билан,

яъни 85 центнерга бажарилган. Озиқа қизилчаси 2012 йилда 620 центнер режалаштирилган бўлса, ҳақиқатда 630 центнердан ҳосил олинган. Фермер хўжалиги 100% буғдой экилган майдонларда такрорий экинлар (маккажўхори силос учун) экиб келмоқда. Такрорий экинлардан 2012 йилда ўртача 130 центнер ҳосилдорлик режалаштирилган, аслида эса бу кўрсаткич 135 центнерга яқунланган. 2013 йилда буғдойдан 65 центнер, бедадан 120 центнер, маккажўхори донидан 80 центнер, озиқавий қизилчадан 620 центнер ва такрорий экинлардан 130 центнердан ҳосил олиш режалаштирилмоқда.

Чорва ҳайвонларини етарли даражада озиқалар билан таъминлаш учун экин майдонлари етарли. Бу экин майдонларига экинларни етарли миқдорда экиш учун махсус техникалар мавжуд. Чорва ҳайвонларига озиқаларни меъёрида етказиб бериш учун экинларни режа асосида экилади. Қишки мавсумга эса қуритилган дағал озиқалар ва ширали озиқалар жамғармаларга босилиб қўйилади. Экинларни ҳосилдорлигини ошириш мақсадида, экинларни парвариш қилишда етарли миқдорда органик ва минерал ўғитлар солинади. Экинларни экишда алмашлаб экиш жорий қилинган бўлиб, экинларни касалликларга чалинишини қисман олди олинади.

Давлатга гўшт, сут маҳсулотлари шартнома асосида сотилиб келинмоқда. Хўжаликда насилчилик ишлари йўлга қўйилган бўлиб, вилоят насилчилик хиссадорлик жамияти билан шартнома асосида уруғлар олинади. Олинган уруғларнинг аксарияти Германия “Голштин” зоти, “Швиц” зоти ва Америка уруғлари бўлиб, насл сифатини яхшиланишига олиб келмоқда.

“Бахт Имкон Ривож чорваси” наслчилик фермер хўжалигининг пода таркиби асосан соғин сигирлардан таркиб топган. Бу хўжалик чорва маҳсулотларидан асосан сут ишлаб чиқаради. Шу билан биргаликда қисман гўшт маҳсулоти ҳам етиштирилади ва бундан келган даромадлар ҳисобига ўзининг иқтисодий базасини мустаҳкамлаб келмоқда.

Фермер хўжалигида 2013 йилдаги чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг таннарни 4-жадвалда кўрсатилган.

Фермер хўжалигида 2013 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва олинган даромади.

т/р.	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2013 й
Маҳсулот ишлаб чиқариш			
1.	Сут	Центнер	13331
2.	Гўшт	Центнер	870
Бир бирлик маҳсулотни сотиш баҳоси			
1.	Сут	Сўм	1567.1
2.	Гўшт	Сўм	14741
Маҳсулот сотишдан олинган пул даромад			
1.	Сут	м.сўм.	2085269.9
2.	Гўшт	м.сўм	1170438.3
Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари.			
1.	Сут	м.сўм	1369511.2
2.	Гўшт	м.сўм	755562.4
Бир бирлик маҳсулот таннари			
1.	Сут	сўм	1028.8
2.	Гўшт	сўм	9468.2
Маҳсулот сотишдан олинган соф даромад			
1.	Сут	м.сўм	715758.7
2.	Гўшт	м.сўм	414875.9
Рентабеллик даражаси			
1.	Сут	%	52.2
2.	Гўшт	%	54.9

Ушбу жадвал маълумотлари хўжаликнинг йиллик иқтисодий кўрсаткичларини белгилайди. Унга кўра фермер хўжалигида 2013 йилда 13331 центнер сут ишлаб чиқарилган. Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 1369511.2 минг сўм сарфланган. Бир килограмм сут ишлаб чиқариш таннари 1028.8 сўмга тўғри келмоқда. Сутни сотишдан олинган пул даромади 2085269.9 минг сўм бўлган. Маҳсулот сотишдан олинган соф даромад 715758.7 минг сўмни ташкил этгани холда, рентабеллик даражаси 52.2% га тенг бўлган. Фермер хўжалигида 2013 йилда 870 центнер гўшт маҳсулоти ишлаб чиқарилган. Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 755562.4 минг сўм сарфланган. Бир килограмм гўшт етиштириш таннари 9468.2

сўмга тўғри келмоқда. Гўшти сотишдан олинган пул даромади 1170438.3 минг сўм бўлган. Махсулот сотишдан олинган соф даромад 414875.9 минг сўмни ташкил этгани холда, рентабеллик даражаси 54.9% га тенг бўлган.

Лекин шуни ҳам айтиш лозимки, фермер хўжалигида етиштирилган махсулот таннархи юқори бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби озиқа базасини етарли бўлмаганлиги ҳамда кўп сонли чорвачилик фермаларида бажариладиган технологик жараёнлар яъни озиқа хайвонларга беришдан аввал сифатли тайёрлаш, озиқа тарқатиш, гўнг йиғиштириш асосан қўл меҳнати ёрдамида бажарилади. Бу эса фермадаги ишларни бажариш учун кўп сонли ишчи кучини талаб этади ва олинадиган махсулот миқдорини камайишига ва унинг таннархини ортишига олиб келади. Агар фермер хўжалиги фермасида юқорида кўрсатилган технологик жараёнларни механизациялаштирилса хайвонлар бош сонини ортириш ва уларнинг махсулдорлигини кўпайтириш имконияти яратилади.

IV. АСОСИЙ ҚИСМ

4.1. Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож чорваси” наслчилик фермер хўжалигида бузоқларни жинсий ва физиологик етилишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш.

Барча ҳайвонларда жинсий вояга етилиш организмнинг ўсиши ва умумий ривожланишига нисбатан анчагина эрта бошланади. Шунинг учун ҳам жинсий вояга етган ҳайвонларни қочириш мумкин эмас, чунки урғочи ҳайвонлар ривожланаётган хомилани етарли озиқ моддалар билан таъминлай олмайди ва ўзининг соғлиғига зарар етади. Ёш ҳайвонларнинг чаноқ суяги ҳали ривожланмаган етилмаган бўлади, бунинг натижасида уларнинг туғиши (айниқса, кавшовчи ҳайвонларда) қийинлашади.

Насл олиш мақсадида эркак ҳайвонларда эрта фойдаланилса уларнинг уруғдонлари зўр бериб ишлайди. Натижада уруғдонларнинг функцияси муддатидан илгари ишдан чиқади. Шунинг учун ёш молларнинг жинсий вояга етгунга қадар алоҳида-алоҳида сақланиши керак.

Уй ҳайвонларнинг ички органлари яхши ривожланиб, суяклари таксимлашгандан (организм етилгандан) кейингина уларни жуфтлаштириш мумкин.

5-жадвал

Урғочи ҳайвонлар организмнинг жинсий ва физиологик вояга етилиши

№	Ҳайвон турлари	Жинсий вояга етилиши	Физиологик вояга етилиши
1.	Сигир	8-12 ойлигида	18-22 ойлигида
2.	Қўй	6-8 ойлигида	12-15 ойлигида
3.	Эчки	5-7 ойлигида	9-12 ойлигида
4.	Чўчка	12-18 ойлигида	3 ёшлигида
5.	Бия	2-5 ёшлигида	3 ёшлигида
6.	Туя	6-10 ойлигида	10-12 ойлигида
7.	Ит	5-6 ойлигида	10-12 ойлигида
8.	Мушук	4-5 ойлигида	5-8 ойлигида

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ҳайвон жинсий жиҳатдан етилган деб ҳисобланганда уни қочириш муддатини кечиктириш ярамайди, акс ҳолда семириб кетади. Бу эса жинсий орган фаолиятини пасайтиришга олиб келади, бунда кўпинча ҳайвонлар қисир қолади. Эркак ҳайвонлар эса онанизм билан

шуғулланиши туфайли импотенцияга (жинсий қобилиятсизликка) йўлиқади. Урғочи ҳайвон тухумдонида тухум хужайралари етилади. Тухум хужайраларнинг тараққиёти **овогенез** дейилади. Овогенез кўпайиш, ўсиш ва етилиш даврларига бўлинади. Тухум хужайраларининг тараққиётида эмбрион танасида пайдо бўлаётган тухумдон устини ўраб олган хужайралар кўпайиб, ёш тухумдоннинг тўқималари ичига ўсиб киради. Кейинчалик тухумдон устини ўраб олган хужайралар группаларга ажралади. Хар қайси группа **хужайра оролчаси** дейилади. Урғочи жинсий хужайраларнинг ривожланиши тухумдондан чиқиши билан бошланади. Етилиш оталаниш (уруғланиш) вақтида тугайди. Ёш тухум хужайра етилиш даврида кетма-кет икки марта бўлинади. Бу икки бўлиниш орасида 6-7 соат вақт ўтади. Етилиш даврида овоцитлар анча катталашади. Овотцитларда хромосомаларнинг сони анча кўпаяди. Хужайра биринчи марта иккига бўлинади. Бу хужайраларнинг бир хили катта бўлиб, **икки қатор тартиб овоцитлар** дейилади. Иккинчи хили эса жуда кичкина бўлиб, бунга **биринчи йўналиш таначаси** дейилади. Бу танача бора-бора йўқолади.

Эркак ва урғочи жинсий хужайраларнинг ўзаро қўшилишига **уруғланиш** деб айтилади. Уруғланиш натижасида зигота ҳосил бўлади. Зиготада эса эмбрион вужудга келади.

Оталаниш йўли билан кўпайиш секин-аста келиб чиққан бўлса керак. Чунки баъзида содда ҳайвонларнинг жинсий органи бўлса ҳам янги организм унинг иштирокисиз туғилади. Хатто эркаклик жинсий хужайралардан ҳам янги организм келиб чиқиши мумкин. Бу ходисага **андрогенез** дейилади. Лекин янги организм табиатда кўпайишнинг ҳам жинссиз, ҳам жинсий бўлганлигини кўрсатади. Сперматозоидларнинг тухум хужайрага етиб бориш муддати турли ҳайвонларда хар хилдир. Масалан: совлиқларда 30 минутдан 5-8 соатгача, уй қуёнларида 2-3 соат, қорамолларда эса 5-9 соат давом этади. Сперматозоидлар урғочи ҳайвонларнинг жинсий йўлида думчалари ёрдамида ҳаракат қилади. Сперматозоидлар урғочи ҳайвоннинг жинсий аъзоларида

узоқ вақт яшаши мумкин. Сигир жинсий органида 25-30 соат, урғочи куённинг органида 8-12 соатгача яшай олади.

Тухум хужайрага яқинлашган сперматозоидлар ўзидан гиалуродиназа ферментини чиқара бошлайди. Бу фермент таъсирида тухум хужайра атрофидаги сперматозоидлар унинг тиниқ ва сариқ пўстини тешиб цитоплазмага киради. Оталаниш жараёнида сперматозоиднинг бутун танаси актив ҳаракат қилади.

Сперматозоиднинг думчаси ва танаси тухум хужайра цитоплазмасида эриб кетади. Сперматозоиднинг боши эса катталашиб, тухум хужайра ўзининг ҳажмига баробарлашади. Кейин ҳар иккала жинсий хужайраларнинг ўзаклари қўшилади.

Чорва ҳайвонларининг ўсиш ва ривожланишида асосан иккита омил муҳим роль ўйнайди, яъни ирсият ва ташқи муҳит. Ушбу омиллар ёш ҳайвонлар организмига тўғридан-тўғри ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини кўрсатади.

Ирсият-организмнинг ривожланишини йўналтиради ва организм учун хос бўлган, ҳўжалик учун фойдали белгиларни намоён қилади.

Ирсий омилларнинг таъсири. Шакл ҳосил қилиш жараёнларига ирсий омилларни ташувчи ДНК ва РНК га кейинги вақтларда алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу кислоталарнинг орган ва тўқималардаги миқдори ёш ўтиб бориши билан ўзгариб боради. Онтогенезнинг умумий қонунияти шундайки, тўқималарда бу кислоталар миқдори дастлаб жуда тез, ёш ўтиб бориши билан секин камайиб боради. РНК даражаси ДНК га нисбатан тезроқ камади. Бунинг сабаби, эмбриогенезнинг эрта даврларида хужайрада ядро(ўзак) цитоплазмага нисбатан катта жой эгаллаши, ядрога эса РНК нинг кўп бўлишидир. Кейинроқ эса ядро камаяди, цитоплазма ядрога нисбатан тезроқ ўсади, оқибатда РНК концентрацияси камаяди.

Ўсиш ва ривожланишга ирсиятнинг таъсири катта, яъни ҳар бир организмнинг шахсий тараққиёти унинг генотиби ёки ота ва онадан олинган ирсияти билан чекланган.

Ўзбекистон маҳаллий зебусимон қорамоллари билан швиц зотидан туғилган бузоқлар ўртасида тажрибалар олиб борилиб ўсиш ва ривожланишга ирсиятнинг таъсири ўрганилган. Маҳаллий сигирлар ўртача 250-280 кг, швиц зот сигирлар 500-550 кг. Маҳаллий сигирлардан туғилган бузоқлар вазни 12-15 кг, швиц зотли бузоқлар 28-32 кг. Кейинги бузоқлар вазни маҳаллий бузоқларникидан 2,0-2,5 баробар ортиқ бўлган.

18 ойгача уларнинг ўсиш ва ривожланиши кузатилганда маҳаллий бузоқлар буқачаларининг тирик вазни 290-300 кг дан ошмайди, швиц зотли бузоқларнинг тирик вазни 440-450 кг ташкил қилган.

Кунига суткалик семириш маҳаллийда 500 г бўлса, швиц болалари кунига 800 г дан ўсди. Демак, ўсиш ва ривожланишга ирсиятнинг таъсирини манна шу тажрибадан яққол кўриш мумкин.

Эндокрин тизимининг таъсири. Организмнинг ривожланишини дастлабки пайтларида эндокрин системаси пайдо бўлади ва у кейинчалик ўсиш ва ривожланишнинг ички бошқарувчисига айланади. Бунда гипофиз, қалқонсимон без ва жинсий безлар катта аҳамият касб этади.

Қалқонсимон без минерал, оксил ва сув алмашилишини бошқаради. У ўзида йод сақловчи гормонларни: тироксин, тиреоглобулин, трийодтиронин ишлаб чиқаради, бу гормонлар юқори физиологик фаолликка эга. Қалқонсимон безни олиб ташланиши ўсиш ва ривожланишни секинлашишига, паканаликка олиб келади (карликовость). Без гипофункциясида моддалар алмашилиши бузилади, иссиқлик алмашилиши (терморегуляция) секинлашади. Гиперфункцияда организм ривожини тезлатади. Тироксин гормони оз миқдорда қўлланилганда ҳайвонларни ўсиши яхшиланади, маҳсулдорлик ошади.

Гипофизнинг таъсири-қуйи мия ортиғи гормонлари масалан, ўсиш гормони-соматроп, жинсий етилиш гормони-пролактин, сут ҳайдовчи лактоген гормони-пролактин организмнинг ўсиш ва ривожланишида катта таъсир кўрсатади. Соматроп гормони таъсири остида хужайраларнинг бўлиниши ва оксилларни синтези тезлашади. Биосинтез қилиб олинган соматропин гормони бузоқлар организмга киритилганида кунлик ўсиш 15-20% га ошган, сигирларга юборилганида сут бериш маҳсулдорлиги юқори бўлганлиги аниқланган. Соматроп гормони ёғ алмашилишига ҳам таъсир этади. Проллактин гормони жинсий етилтиради ва бу гормон сут ҳосил бўлишини кўпайтиради. Гипофиз безининг олдинги қисмларини ҳайвон ёш пайтида ривожланиши гигантизмга олиб келади. Гипофизнинг гиперфункцияси ҳайвон оёқлари ва айрим ички органларни нормал ҳолатдагига нисбатан катталанишига олиб келади.

Жинсий безларнинг таъсири-жинсий безлар ҳам ички ҳам ташқи секреция безлари бўлиб организмда шакл ҳосил бўлишида (формаобразование) катта таъсир этади. Ҳайвонни бичилиши, яъни жинсий безларни олиб ташланиши жуда қадим замонлардан буён қўлланилади. Кастрация қилинганда скелет ўсиши бузилади, модда алмашинуви жараёнлари ўзгаради, ҳайвонни тана тузилиши ўзгаради, кучли ёғ ҳосил бўлиш жараёни кечади. Жинсий безлар гиперфункцияси ҳайвонни тез етилишига олиб келади.

Жинсий безларнинг функциялари етилиш даврининг бошларига келиб кучайса, қариликда секинлашиб аста-секин йўқолади.

Чорва ҳайвонлари подасида айрим ҳайвонлар яхши, маҳсулдор, серпушт, чаққон бўлиб, поданинг қолган қисми бунинг акси бўлиши мумкин. Бу фарқ, тафовут ирсиятга ёки генотипга боғлиқдир. Ҳар хил генотипли ҳайвонлар ташқи муҳит таъсиротига турлича таъсир билан жавоб берадилар.

Ташқи муҳитнинг таъсири. Ташқи муҳит таъсирларидан озиқлантириш ва сақлаш шароитлари (ҳаво ҳарорати, намлик, ёруғлик

режими) ҳайвонларни ўсиш ва ривожланишига жуда катта таъсир этади. Бу омилларнинг организмга таъсир этиши икки томонлама бўлиши мумкин. Кам озиқлантириш (недокорм) ўсишни секинлаштиради бунда кам ривожланиш (недорзвитие) келиб чиқади, маҳсулдорлик камаяди. Мўл-кўл озиқлантиришда ҳайвон организмида ўсиш ва ривожланиш тезлашади. Ушбу масалани ёритишда: озиқлантиришнинг умумий даражасига, унинг тўйимлилигига, рацион структурасига, ҳайвонни ўсиш даврларида озиқ моддаларни тақсимланишига аҳамият бериш керак.

Ташқи муҳит ҳайвонларнинг ирсий белгиларини намоён бўлишига, маҳсулдорлик хусусиятларини амалда кўринишига бевосита ёрдам ҳам бериши мумкин ёки бу белгиларни йўқотиши ҳам мумкин. Масалан, ҳайвонларнинг кунлик семириши фақат зотдорлигига эмас, балки озиқлантириш ва сақлаш шароитларига ҳам боғлиқ.

Озиқлантиришнинг таъсири. Эмбрионал ривожланиш даврида ўсаётган организм тўлиғича озуқавий моддалар билан таъминланишга мухтож. Бўғозлик даврида озиқ моддалар билан тўлиқ таъминланган сигирлар бошқа сигирларга нисбатан тирик вазни ўртача 6-7 кг юқори бўлган бузоқлар туққанлиги тажрибаларда аниқланган.

Постэмбрионал даврда ҳам озиқлантириш омили ёш ҳайвоннинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Симменталь зот қорамолларнинг янги туғилган бузоқлари 1,5 ёшгача икки хил озиқлантириш шароитида, яъни мўл (юқори) ва яхши (ўртача), боқилиб тажриба ўтказилган. Биринчи гуруҳдаги ҳайвонлар 18 ойлигида ўртача 455 кг тош босган, иккинчи гуруҳдаги ҳайвонлар эса ўртача 379 кг тош босган, яъни 19% кам натижаларга эришган.

Қониқарсиз озиқлантириш шароитида боқилган ҳайвонларда яхши ривожланмаслик аломатлари кузатилади. Яхши ривожланмаслик, кам ривожланганлик икки хил: эмбрионализм ва инфантилизм кўринишида бўлади.

Эмбрионализм-янги туғилган бузоқнинг эмбрионал ривожланиш даврининг дастлабки пайдаги ҳолатига ўхшашлиги, яъни эмбрионнинг она қорнида ўсишдан қолиши. Бунга ҳайвонларни ўта ёмон, кам озиқлантириш, эрта қочириш сабаб бўлади. Бузоқлар жуда кичкина бўлиб туғилади (15-17 кг), танаси узун, калта оёқ, юмалоқ суяклар ингичка, юпқа тери, жун қоплами сийрак, ташқи муҳит таъсиротларига ҳамоҳуслиги паст бўлади.

Инфантилизм-постэмбрионал даврнинг дастлабки пайтларидаги кам ривожланганлик ҳисобланиб, катта ёшдаги ҳайвонларда янги туғилган бузоқ белгиларини сақланиб қолиши. Жинсий аъзоларни кам ривожланганлиги, бепуштлиқ, новча оёқли, ўқ суякларини қисқариши билан характерланади. Унинг асосий сабаби: ўсаётган ҳайвонни тўла қимматли озуқалар билан яхши боқмасликдир.

Неотения-ҳайвонни ҳали ёш вақтидаёқ жинсий органларини бевақт ривожланиб кетиши. Ҳайвон новча оёқли, думғаза томони кўтарилган, қисқа, тор гавдали, енгил вазнли бўлади. Бунинг сабаби: янги туғилган ёш бузоқларни ва бўғоз ҳайвонларни яхши тўйимли озуқалар билан меъёрида боқмаслик ҳисобланади.

Эмбрионал даврда ҳайвонларни индивидуал ривожланишини бошқариш

Эмбрионал ривожланишни бошқариш-эмбрионал даврда ўсиш ва ривожланиш, шаклланиш жуда тез ўтади. Ривожланаётган бола ҳар хил ўзгаришларга жуда сезгир бўлади. Бу даврда болани маълум йўналишда бошқариш қийин. Чунки, бу жараён онани организм томонидан бошқарилади. Она бачадонидаги болани ташқи муҳит таъсиридан ҳимоя қилиб, бу таъсирни тубдан ўзгартириб болага қон орқали юборади.

Кўпгина ҳайвонларда эмбрион даври, органлар ҳосил бўлишини ва уларни сифатли шаклланишини характерлайди, бу даврда зародишнинг абсолют оғирлиги унча ошмайди. Бунда озиқнинг сифати, яъни унинг биологик жиҳатдан қимматлилиги жуда муҳимдир. Кейинчалик ҳайвонларда ҳомила олди ва ҳомила давларида ўсишнинг тез ошиши туфайли озиқ

моддаларнинг кўп бўлиши, яъни озиқлантириш даражасининг ошиши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бўғозликнинг иккинчи ярмида, она ҳайвонларга қўшимча озиқ берилади. Бўғоз қоракўл қўйларига кўпроқ моцион берилса қўзиларда тери сифати яхшиланади, мўл озиқлантирилса жуни ўсиқ, паст сифатли терилар олинади.

Шундай қилиб соғлом ва маҳсулдор ҳайвонлар олиш учун насли эркак ва урғочи ҳайвонларни озиқлантириш ва асраш муҳим аҳамиятга эга.

Бўғоз ҳайвонларга энг яхши озиқлантириш ва сақлаш шароитларини яратилишига эришиш лозим. Қорамол эмбрионида дастлабки 3 ой ичида ички органлар, юмшоқ тўқималар, эндокрин системаси жуда жадал ривожланади. 4-5 ойлик бўлганида уларнинг ўсиши бир оз секинлашади ва суяклари тез ўса бошлайди. Юқорида кўрсатиб ўтилган даврда яхши озиқлантирмаслик натижасида айтиб ўтилган орган ва тўқмалар етарли ривожлана олмайди ва аксинча тўйимли озуқалар билан боқилган ҳайвонлар хомиласида ушбу органлар ўсиши тезлашади.

Ҳайвонлар генотипи хўжалик учун фойдали мураккаб белгиларни маълум йўналишда ривожланишини ва организмнинг ташқи муҳит таъсиротларига реакцияси қандай бўлишини таъминлайди. Шунинг учун кўзда тутилган генотипни пайдо қилиш учун ишни дастлаб ота-она ҳайвонларни танлаш ва жуфтлашдан бошлаш керак. Жуфтликларни танлашда уларнинг зотдорлик, шахсий хусусиятлари, наслий сифатлари, ёши, конституциялари, тирик вазни, маҳсулдорлиги ва албатта соғломлиги эътиборга олинади.

Мақсадга мувофиқ бола олишда она организмнинг хусусиятларидан фойдаланиш. Туғилаётган болага она организмнинг таъсир этиши ходисаларининг йиғиндисига “Она самараси” (материнский эффект) дейилади. Имкон қадар юқори тирик вазндаги бола олиш учун жуфтлаётганда тирик вазни юқори бўлган она ҳайвонлар олинади, чунки

боланинг тирик вазнини катта бўлиши (келгусидаги гўшт, жун маҳсулдорлиги) она организмига бевосита боғлиқ.

Постэмбрионал ривожланиш даврида ҳайвонлар аввалги шароитдан бутунлай бошқа шароитга-ташқи муҳитга тушиб қолади. Бу даврнинг энг асосий вазифаси юқори маҳсулдор, тез етилувчан, мустаҳкам конституцияли, саноат технологияси учун яхши мослашган ҳайвонларни етиштиришдир.

Организмнинг юқори тонуси, маҳсулдорлик хусусиятларини тўлиқ намоён бўлиши асосий қуйидаги омиллар: озиқлантириш ва асраш, ғунажинларни йдириш (раздой қилиш), тойларни тренинг (машқ қилдириш), катта ёшдаги ҳайвонлардан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Бузоқларни мақсадга мувофиқ тарбиялашнинг жуда кўп усуллари мавжуд бўлиб, улардан бири бу бузоқларни ўсиш ва ривожланиш давларида семиртиришни ёки ўстиришни режалаштириш ва озиқлантиришни шунга қараб бошқаришдир. Ўстиришни режалаштириш бу аниқ мақсадга йўналтирилган, ёш ҳайвоннинг ўсишининг ҳамма давларида кунлик зарур семиртиришга эришадиган тадбирдир. Уни ҳайвоннинг зоти, зотнинг биологик хусусиятлари, маҳсулдорликнинг йўналишига қараб ишлаб чиқилиб, сўнгра амалга оширилади. Ёш ҳайвонларни мақсадга мувофиқ ўстириш ҳайвонларни катта бўлганидан сўнг фойдаланишига қараб икки хил бўлиши мумкин:

1. Наслли ёш ҳайвонлар етиштириш;

2. Насл учун мўлжалланмаган (товар маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган) ҳайвонлар етиштириш усулларига бўлинади.

Сут ишлаб чиқаришга мўлжалланган ҳайвонларни етиштириш гўшт ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ҳайвонларни етиштириш усулидан, тухум олиш учун макиёнларни етиштириш бройлер жўжа етиштириш усулидан албатта фарқ қилиши лозим. Мақсадга қараб боқиш ва сақлаш технологияси танланади ва бу технология ёш ҳайвонни ўсиш ва ривожланиш

даврларида фойдаланиш мақсадлари талабларига мувофиқ ҳолга келтирилади.

Қорамолчиликда насл учун ёш ҳайвон етиштиришда уларнинг ҳар бири учун индивидуал қараш, асраш принципига амал қилиб, гуруҳларнинг катталиги (размери) аниқланади, бино ичи интерьери, зарур асбоблар билан жиҳозланиши, зарурий микроиклим ҳосил қилиш ва бошқа масалалар ҳал этилади.

2 ойдан 6 ойликгача бўлган бузоқларни озиқлантириш

Бузоқларни озиқлантириш схема ва рационлари ҳар бир хўжаликда мавжуд озиқаларга асосан тузилиб, улар бузоқларнинг нормал ўсиш ва ривожланишини таъминлаши зарур. Ёш даврида сутдан чиққан бузоқлар учун беда, маккажўхори силоси, озиқбоп лавлаги, беда пичани, ўт уни, сомон ҳамда омихта емлар асосий озиқа ҳисобланади. Минерал моддалар манбаи сифатида бузоқларга ош тузи, суяк уни, монокальцийфосфат ва бошқа минерал моддалар берилади. Бузоқларга ош тузи, ва мель соф ҳолда берилади. Ўсиб бораётган бузоқларнинг микроэлементларга бўлган талабини қондириш учун рационга углеводли темир, мис, кобальт ҳамда йодли калий киритилади. Бу микроэлементлар туз ҳолида мавжуд нормаларга асосан берилади. Бузоқлар бир кунда 3 маҳал озиқлантирилади. Озиқаларни яйратиш майдончаларида озиқа тарқаткичлар ёрдамида берилади. Дағал ва ширали озиқалар (пичан, силос, лавлаги, сомон) аралаш озиқалар ҳолатида берилиши мумкин. Бузоқларни озиқалантириш ўсиш режасига асосан олиб борилади. Бузоқларни (жадал) интенсив ўстириш қуйидаги ўсиш режаси бўйича амалга оширилиши мумкин.

Бузоқлар 2 ойлик ёшида очик ҳавода жойлаштирилган гуруҳли уйча-профилакторийларга ўтказилади. Павильонлар бўлмаган хўжаликларда бузоқларни 6 ойлик ёшигача иситилмайдиган, яйратиш майдончаси бўлган биноларда сақланади. Бир бош бузоқ учун бино ичида 2 м², яйратиш майдончаларида эса 4 м² жой туғри келиши керак. Йилнинг қиш фасли

бузоқлар саломатлигига ёмон таъсир қилади. Йилнинг ёз фаслида эса бинолардаги ҳаво ҳарорати $+20^{\circ}$ - 26°C гача, ҳавонинг намлиги 50-60 % атрофида бўлиши талаб қилинади. Бузоқлар сақланадиган биноларга ҳавони сўриб чиқарадиган вентиляция ўрнатиш тавсия қилинади. Бино ичида CO_2 гази 0,20-0,25 %, аммиак гази 10-20 мг.м³, сероводород гази 5-10 мг.м³ дан ошмаслиги керак. Ёруғлик режими 1:15 люкс бўлиши талаб қилинади. Бузоқлар гуруҳларга ажратиладиганда тенглик принципига риоя қилинади.



Фермер хўжалигида бузоқлар алоҳида уйча-профилакторийларда асралади



2 ойдан 6 ойликгача бўлган бузоқларни озиқлантириш схемаси

Ёши		Давр охири- даги тирик вазни	Қиш даврида							Ёз даврида					
Ойлар	Кун- лик		омих- та ем	беда пича- ни	макка жўхо- ри си- лоси	озик боп лав- лаги	минерал озиқалар			омих- та ем	кўк озиқа	беда пича- ни	минерал озиқалар		
							ош тузи	пре- ципи- тат	мик- ро- эле- мент тузи				ош тузи	Пре- ципи- тат	мик- ро- эле- мент тузи
	7		1,2	2,0	3,0	0,5	10	15	10	1,0	6,0	1,0	10	15	5
	8		1,3	2,0	4,0	1,0	10	15	10	1,0	8,0	1,0	10	15	5
	9	105	1,5	2,0	4,0	1,0	10	15	10	1,0	10,0	1,0	10	15	5
III-ойда			40	60	110	25	300	450	300	30	240	30	300	450	150
	10		1,5	2,0	4,0	1,0	15	20	15	1,2	10	1,0	15	20	10
	11		1,6	2,0	4,0	1,0	15	20	15	1,2	11	1,0	15	20	10
	12	130	1,6	2,0	4,5	1,0	15	20	15	1,2	11	1,0	15	20	10
IV-ойда			47	60	125	30	450	600	450	36	320	30	450	600	300
	13		1,6	2,0	5,0	1,0	20	20	20	1,5	11	1,5	20	20	15
	14		1,6	2,0	5,0	1,0	20	20	25	1,5	11,5	1,5	20	20	15
	15	155	1,6	2,0	6,0	1,0	20	20	25	1,5	11,5	1,5	20	20	15
V-ойда			48	60	160	30	600	600	700	45	340	45	600	600	450
	16		1,8	2,0	7,0	1,5	20	25	25	1,3	12	2,0	20	25	20
	17		1,5	2,0	8,0	1,5	20	25	25	1,2	12	2,0	20	25	20
	18	175	1,2	2,5	8,5	1,5	20	25	30	1,0	12	2,0	20	25	20
VI-ойда			45	65	235	45	600	750	800	35	360	60	600	750	600
Жами: 4 ойда			180	245	630	130	1350	2400	2250	146	1260	165	1350	2400	1500

**2 ойдан 6 ойликгача бўлган бузоқларни ўстириш кун тартиби
(ёз даври учун)**

Т/р	Бажариладиган ишлар	Ишнинг бошланиши соат/мин	Ишнинг тугаши соат/мин	Ишнинг давомий- лиги минут
1.	Бузоқларни тунги навбатчидан қабул қилиб, кўриб чиқиш	7-00	7-15	15
2.	Территория ва охурларни тозалаш	7-15	8-00	45
3.	Эрталабки озиқлантириш	8-00	9-00	60
4.	ЗЦМ аралаш озиқалар ва бузоқхоналарни тозалаш	9-00	11-00	120
5.	Танаффус	11-00	12-00	60
6.	Озиқалар ва тўшама тайёрлаш	12-00	13-00	60
7.	Тушки озиқлантириш	13-00	14-00	60
8.	Танаффус	14-00	18-00	240
9.	Кечки озиқлантириш	18-00	19-00	60
10.	Бузоқхоналарни тозалаш ва тўшама солиш	19-00	20-00	60
11.	Бузоқларни тунги навбатчига топшириш	20-00	20-15	15
12.	Тунги озиқлантириш	23-00	24-00	60

**2 ойдан 6 ойликгача бўлган бузоқларни ўстириш кун тартиби
(қиш даври учун)**

Т/р	Бажариладиган ишлар	Ишнинг бошланиши соат/мин	Ишнинг тугаши соат/мин	Ишнинг давомий- лиги минут
1.	Бузоқларни тунги наватчидан қабул қилиб, кўриб чиқиш	8-00	8-15	15
2.	Территория ва охурларни тозалаш	8-15	9-00	45
3.	Эрталабки озиқлантириш	9-00	10-00	60
4.	ЗЦМ аралаш озиқалар ва бузоқхоналарни тозалаш	10-00	12-00	120
5.	Танаффус	12-00	13-00	60
6.	Озиқалар ва тўшама тайёрлаш	14-00	15-00	60
7.	Тушки озиқлантириш	13-00	14-00	60
8.	Танаффус	15-00	18-00	180
9.	Кечки озиқлантириш	18-00	19-00	60
10.	Бузоқхоналарни тозалаш ва тўшама солиш	19-00	20-00	60
11.	Бузоқларни тунги наватчига топшириш	20-00	20-15	15
12.	Тунги озиқлантириш	22-00	23-00	60

4.2. Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож чорваси” наслчилик фермер хўжалигида бузоқларни боқиш ва парвариш қилиш жараёнлари тахлили.

Тажриба-кузатув ишлари Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож чорваси” наслчилик фермер хўжалиги чорвачилик фермаси шароитида боқиб, асраб парвариш қилинаётган четдан келтирилган сигирлардан олинган швиц зотли бузоқлар билан маҳаллий қорамоллардан олинган бузоқларда ўтказилди. “Швиц зотли бузоқларнинг жинсий ва физиологик етилишига озиқлантириш даражасини ўрганиш” мавзуси бўйича тадқиқотни ўтказиш учун 2 ойлик бузоқлар танлаб олинди ва 4 ой (120 кун) давомида тажрибалар ўтказилди. Тажрибани ўтказиш учун четдан келтирилган сигирлардан олинган швиц зотли бузоқлардан 5 бош ва маҳаллий қорамоллардан олинган бузоқлардан 5 бош, жами 10 бош ёш бузоқлар ажратиб олиниб, 2 та гуруҳ ташкил қилинди.



Бузоқларни гуруҳларга ажратиш жараёни

Ҳайвонларни озиқлантириш меъёр асосида амалга оширилиб, озуқа тайёрлаш цехида ёш бузоқлар учун бедадан тайёрланган витамин ўт

талқони, шунингдек, қишлов учун қуруқ беда пичани, баҳорги донли маккажўхори силоси, сенаж, сомон, кунжара, кепак, минерал озиқалар етарлича жамғарилган. Хўжаликда боқиб, асраб парвариш қилинаётган ёш бузоқлар учун озуқа меъёри ва рационни Калашников А.П. ва Клейменов Н.И.ларнинг “Чорвачиликда озиқ нормалари ва рационлари” китоби асосида тузилди.

Ёш бузоқлар учун озуқа рационни хўжаликдаги мавжуд озуқалардан келиб чиқиб тузилди ва рационга қўшимча оксил-витамин-минералли қўшимчалар киритилди.

Тажриба давомида хўжаликдаги четдан келтирилган сигирлардан олинган швиц зотли бузоқлар билан маҳаллий қорамоллардан олинган бузоқларнинг жинсий ва физиологик етилиши, уларни боқиш, асраш ва парвариш қилиш, тажрибадаги бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар шунингдек, тажрибадаги бузоқларнинг сарфланган озиқага ҳақ тўлаши каби масалалар бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди.

Текшириш услублари

Тажрибани ўтказиш учун Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож чорваси” наслчилик фермер хўжалиги чорвачилик фермаси шароитида боқиб, асраб парвариш қилинаётган четдан келтирилган сигирлардан олинган швиц зотли бузоқлар билан маҳаллий қорамоллардан олинган бузоқлардан қуйидаги гуруҳлар ташкил қилинди:

I-гуруҳ. Назорат гуруҳи бўлиб, маҳаллий қорамоллардан олинган бузоқлар хўжаликдаги мавжуд озиқалар (ем-хашак) дан тузилган рацион асосида боқилиб, асралди ва парвариш қилинди.

II-гуруҳ. Тажриба гуруҳи бўлиб, четдан келтирилган сигирлардан олинган швиц зотли бузоқлар учун хўжаликда мавжуд озиқалар (ем-хашак)дан тузилган рационга бедадан тайёрланган витамин ўт талқони қўшиб берилди ва парвариш қилинди. Қўшимча равишда 2 ҳафтада 1

маротаба тетрамаг препаратидан 2 мл (1 бош учун) дозада бузоқларнинг мускул орасига юборилди.



Бузоқларни озиқлантириш учун тайёрланган озуқалар



Тадқиқотнинг асосий мақсади швиц зотли ёш бузоқларни меъёр асосида боқиш, яъни улар организмини оксил, ёғ, углевод, витамин ва минерал моддаларга бўлган талабини қондириш ва бузоқларни тўғри асраш

ва парвариш қилиш бўлиб, тажрибани амалда бажариш учун ёши 2 ойлик, тирик вазни ўртача бир-бирига яқин бўлган ёш бузоқлар ажратиб олинди.

Хўжаликда бузоқларни боқиш учун беда пичани, омухта ем, кепак ва бедадан тайёрланган витамин ўт талқони жамғарилган. Витамин ўт талқони хўжаликнинг озуқа тайёрлаш цехида тайёрланади. Сўлитиб қуритилган кўк беда донли озуқаларни майдалагич агрегати ёрдамида ун ҳолатига келтирилади ва алоҳида омборхонада сақланади. Омухта ем ва донли озуқалар кепаги тумандаги чорва озуқа бирлашмасидан сотиб олинади. четдан келтирилган сигирлардан олинган швиц зотли бузоқлар алоҳида бинода сақланиб, улар учун яратилган барча шароитлар талабга жавоб беради, яъни бино ичидаги микроиклим: ҳаво ҳарорати, намлик, ёруғлик, бинони шамоллатиш, шунингдек бузоқлар парвариш қилинадиган бино тоза ичимлик суви, туздонлар ва бошқа зарурий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Бузоқларни асраш ва парвариш қилиш учун алоҳида бузоқбоқарлар тайинланган. Бузоқбоқарлар нафақат бино ичининг тоза ва озодалигига, балки ҳар куни бузоқлар ҳолатини уч мартадан синчиклаб кўздан кечириб, касаллик белгилари намоён бўлган бузоқлар тўғрисида хўжаликнинг ветеринар врачига маълумот беради. Касал бузоқлар зудлик билан ветеринар врач томонидан изоляторга ўтказилиб, назоратга олинади ва даволаш муолажалари олиб борилади. Бузоқларнинг соғлиги тўлиқ тиклангандан кейин ветеринар врач руҳсати билан ушбу бузоқлар ўзларининг гуруҳига ўтказилади ва парвариш қилиш давом этади.

Хўжаликдаги бузоқларнинг барчаси календарь режага асосан мунтазам равишда паратиф, колибактериоз, диплокок септицемия касалликларга қарши эмланади ва бузоқлар сақланадиган бинолар бир йилда 4 марта дезинфекция, дезинсекция ва дератизация қилинади.

**Назорат ва тажриба учун ажратиб олинган бузоқлар ҳақида
маълумот**

Т/р	I-гурух			Т/р	II-гурух		
	назорат				тажриба		
	инвентар рақами	ёши, ой	тирик вазни, кг		инвентар рақами	ёши, ой	тирик вазни, кг
1.	803	2	46	1.	1008	2	51
2.	834	2	48	2.	1014	2	49
3.	842	2	45	3.	1016	2	52
4.	869	2	47	4.	1019	2	51
5.	891	2	49	5.	1022	2	52
Ўртача		2	47	Ўртача		2	51

Тажриба-кузатув ишларини олиб бориш учун ёши, тирик вазни ва зоти бир хил, ўхшаш (аналог) бўлган бузоқлар ажратиб олинди. Бузоқлар учун хўжаликда мавжуд озиқалардан озиқлантириш меъёри ва рацион тузилди. Озиқа меъёри ва рационни А.П.Калашников ва Н.И.Клейменовлар-нинг “Чорвачиликда озиқ нормалари ва рационлари” китоби асосида тузилди.

Тажрибадаги бузоқларнинг барчаси ҳар ойнинг охирида тарозида тортилиб, уларнинг мутлоқ, кунлик ва нисбий ўсишлари аниқлаб борилди.

Изланишлар натижасида II-гурӯх тажрибадаги бузоқларнинг жинсий ва физиологик етилиши, уларни боқиш ва асраш ҳамда парвариш қилиш, бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар шунингдек, тажрибадаги бузоқларнинг сарфланган озиқага ҳақ тўлаши ҳисоблаб чиқилиб, I-гурӯх назоратдаги бузоқларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари билан таққосланди ва якунида умумий хулоса қилинди.

**4.3. Тажрибадаги бузоқларни боқиш, асраш ва парвариш қилиш.
“Бахт Имкон Ривож чорваси” наслчилик фермер хўжалигида швиц
зотли бузоқларни жинсий ва физиологик етилишига боқиш
усулларининг таъсири тахлили.**

Мамлакатимизда чорвачилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликлари ва аҳолининг шахсий хўжаликларида ёш бузоқларни вояга етказиш жараёнини мавжуд шароитлардан келиб чиқиб тўғри ташкил етилиши келажакда наслдор ва маҳсулдорлиги юқори бўлган ҳайвонлар подасини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мавзунини мукаммал ўрганиш мақсадида тажрибалар Андижон вилоятининг Олтинқўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож чорваси” наслчилик фермер хўжалигида олиб борилди.

Тажриба давомида хўжаликдаги швиц зотли бузоқлар билан маҳаллий қорамоллардан олинган бузоқларнинг жинсий ва физиологик етилиши, уларни боқиш, асраш ва парвариш қилиш, тажрибадаги бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар шунингдек, тажрибадаги бузоқларнинг сарфланган озиқага ҳақ тўлаши каби масалалар бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тадқиқотнинг асосий мақсади швиц зотли ёш бузоқларни меъёр асосида боқиш, яъни улар организмидан оқсил, ёғ, углевод, витамин ва минерал моддаларга бўлган талабини қондириш ва бузоқларни тўғри асраш ва парвариш қилишдан иборат бўлди.

**Назорат ва тажриба гуруҳи учун ажратиб олинган бузоқларнинг
дастлабки кўрсаткичлари ҳақида маълумот**

Т/р	I-гурӯҳ			Т/р	II-гурӯҳ		
	назорат				тажриба		
	инвентар рақами	ёши, ой	тирик вазни, кг		инвентар рақами	ёши, ой	тирик вазни, кг
1.	803	2	46	1.	1008	2	51
2.	834	2	48	2.	1014	2	49
3.	842	2	45	3.	1016	2	52
4.	869	2	47	4.	1019	2	51
5.	891	2	49	5.	1022	2	52
Ўртача		2	47	Ўртача		2	51

Тажрибалар “Бахт Имкон Ривож чорваси” наслчилик фермер хўжалиги чорвачилик фермаси шароитида парвариш қилинаётган четдан келтирилган сигирлардан олинган швиц зотли бузоқлар билан маҳаллий қорамоллардан олинган бузоқларда ўтказилди.

Тажриба-кузатув ишларини олиб боришлик учун ёши 2 ойлик, тирик вазни ўртача 49 кг дан бўлган ёш бузоқлардан иккита гуруҳ ташкил қилинди. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бузоқларнинг ёши, тирик вазни бир-бирига яқин бўлиб, уларнинг ўртача тирик вазни назорат гуруҳида (маҳаллий қорамоллардан олинган бузоқлар) ги бузоқларда 47,0 кг, тажриба гуруҳида (четдан келтирилган швиц зотли сигирлардан олинган бузоқлар) ги бузоқларда 51,0 кг ни ташкил қилди.

Тажриба давомида четдан келтирилган сигирлардан олинган швиц зотли бузоқлар рационига уларни семириш даражасини жадаллаштириш мақсадида хўжалик шароитида бедадан тайёрланган витамин ўт талқонидан кўшиб берилди ҳамда 2 ҳафтада 1 маротаба тетрамаг препаратидан мускул орасига 1 бош бузоққа 2 мл дозада юборилди.

Тажриба гуруҳидаги ёш бузоқлар озуқа рационига хўжаликнинг озуқа тайёрлаш цехида бедадан тайёрланган витамин ўт талқонидан қўшиб бериш ҳамда тетрамаг препарати натижасида бузоқларнинг кунлик семириши ошди. Яъни озуқа рационининг тўйимлилигини юқори бўлиш ҳисобига бузоқлар тез ўсди ва семирди.

Хўжаликда боқиб, асраб парвариш қилинаётган ёш бузоқлар учун озуқа меъёри ва рацион Калашников А.П. ва Клейменов Н.И. ларнинг “Чорвачиликда озиқ нормалари ва рационлари” китоби асосида тузилди.

Ёш бузоқлар учун озуқа рацион хўжаликдаги мавжуд озуқалардан келиб чиқиб тузилди ва тажриба гуруҳидаги бузоқлар рационга қўшимча оксил-витамин-минералли қўшимчалар (бедадан тайёрланган витамин ўт талқони) киритилди.

12-жадвал

Назорат гуруҳидаги бузоқлар учун тузилган озиқлантириш рацион

Т/р	Ем-хашак турлари	Миқ-дори	Озуқа бирли-ги	Озуқа таркибида мавжуд			
				Ҳазмла-нувчи оксил	Каль-ций	Фос-фор	Каро-тин
	Ўлчов бирлиги	кг	кг	г	г	г	мг
1.	Беда пичани	2,0	0,90	202	34	4,4	98
2.	Маккажўхори силоси (сут-мум пишиғида)	3,0	0,63	42	4,2	1,2	60
3.	Хашаки лавлаги	1,0	0,12	9	0,4	0,5	0,1
4.	Омухта ем	1,5	1,5	118,5	2,25	5,1	1,95
5.	Ош тузи, г	10	-	-	-	-	-
	Жами:	7,5	3,15	371,5	40,85	11,2	160,05

Тажриба гуруҳидаги бузоқлар учун тузилган озиқлантириш рациони

Т/р	Ем-хашак турлари	Миқ-дори	Озуқа бирли-ги	Озуқа таркибида мавжуд			
				Ҳазмла-нувчи оксил	Каль-ций	Фос-фор	Каро-тин
Ўлчов бирлиги		кг	кг	г	г	г	мг
1.	Беда пичани	2,0	0,90	202	34	4,4	98
2.	Маккажўхори силоси (сут-мум пишиғида)	3,0	0,63	42	4,2	1,2	60
3.	Хашаки лавлаги	1,0	0,12	9	0,4	0,5	0,1
4.	Омухта ем	1,5	1,5	118,5	2,25	5,1	1,95
5.	Витамин ўт талқони	2,0	1,44	252	27,6	5,4	338
6.	Ош тузи, г	10	-	-	-	-	-
7.	Тетрамаг, мл	0,1					
	Жами:	9,5	4,5	623,5	68,4	16,6	498,05

Тажриба гуруҳидаги бузоқлар учун тузилган озуқа рациони таркиби жиҳатидан назорат гуруҳи рациони билан бир хил. Лекин тажриба гуруҳдаги бузоқлар учун оксил, витамин ва минералларга бой бўлган хўжалик озуқа цехида бедадан тайёрланган витамин ўт талқонидан кунига 2,0 кг дан қўшиб берилди ҳамда тетрамаг препаратидан 2 ҳафтада 1 маротабадан 1 бош бузоққа 2 мл дозада мускул орасига юборилди. Меъёрда белгиланган рационнинг умумий тўйимлилиги 4,59 кг озуқа бирлигига тенг бўлиб, бунда ҳазмланувчи протеин 623,5 г, кальций 68,45 г, фосфор 16,6 г ва каротин 498,05 мг ташкил қилди. Шунга кўра кунлик озуқа сарфи куйидагича бўлди: Беда пичани 2,0 кг, маккажўхори силоси 3,0 кг, хашаки лавлаги 1 кг ва омухта ем 1,5 кг ни ташкил қилди. Ош тузи 10 г дан ялама туз сифатида бериб борилди. Тажриба давомида бузоқлар хўжаликдаги мавжуд озуқа захирасидан фойдаланилган ҳолатда боқилди. Кузатув ишлари давомида бузоқлар паратиф, колибактериоз, диплокок септицемия

касалликларга қарши эмланди ва доимий равишда ветеринария врач
назорати остида мунтазам кузатилиб борилди.

14-жадвал

**Тажриба давомида назорат гуруҳидаги бузоқларга сарфланган
озуқалар миқдори**

Т/р	Ем-хашак турлари	Назорат гуруҳи			
		Бир кунда бир бошга	Бир бошга жами (тажриба мобайнида)	Жами 5 бошга	Жами озуқа бирлиги
Ўлчов бирлиги		кг	кг	ц	кг
1.	Беда пичани	2,0	240	12	540
2.	Маккажўхори силоси (сут-мум пишиғида)	3,0	360	18	378
3.	Хашаки лавлаги	1,0	120	6	72
4.	Омухта ем	1,5	180	9	900
5.	Ош тузи, г	10	1,2	0,06	-
	Жами:	7,5	901,2	45,06	1890

Тажриба гуруҳидаги бузоқларга сарфланган озуқалар миқдори

Т/р	Ем-хашак турлари	Тажриба гуруҳи			
		Бир кунда бир бошга	Бир бошга жами (тажриба мобайнида)	Жами 5 бошга	Жами озуқа бирлиги
	Ўлчов бирлиги	кг	кг	ц	кг
1.	Беда пичани	2,0	240	12	540
2.	Маккажўхори силоси (сут-мум пишиғида)	3,0	360	18	378
3.	Хашаки лавлаги	1,0	120	6	72
4.	Омухта ем	1,5	180	9	900
5.	Витамин ўт талқони	2,0	240	12	864
6.	Тетрамаг, мл	0,1	-	-	-
7.	Ош тузи, г	10	1,2	0,06	-
	Жами:	9,5	1141,2	57,06	2754

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 120 кун тажриба давомида сарфланган озуқалар миқдори назорат гуруҳидаги бузоқларда 1890 кг озуқа бирлигига тенг бўлган бўлса, тажриба гуруҳидаги бузоқларда сарфланган озуқаларнинг умумий тўйимлилиги 2754 кг озуқа бирлигига тенг бўлди.

Бузоқларнинг ўсиш ва ривожланиши ҳар ойда бир маротаба тортиш ва ўлчаш орқали кузатиб борилди. Уларнинг кўрсаткичларини ўзгариши доимий равишда қайд этиб борилди. Тажриба гуруҳидаги бузоқлар назорат гуруҳидагиларга нисбатан берилган озуқаларни жуда тез қоплади ва кутилган натижаларга эришилди. Чунки, тажриба гуруҳидаги бузоқлар оксил, витамин ва минерал моддаларга бой бўлган бедадан тайёрланган витамин ўт талқони билан боқилди ва мускул орасига юборилган тетрамаг препарати ўз самарасини берди. Витамин ўт талқонининг тўйимлилиги

юқори бўлганлиги учун бу озуқа бузоқлар организми томонидан енгил ҳазм бўлиб, унинг кўп қисми маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланди. Пиравордида бузоқларнинг қисқа муддат ичида тез семиришига ва соғлом ўсишига эришилди. Тажриба давомида бузоқларнинг ўсиш ва ривожланиши ҳисобга олиб борилди. Уларнинг ривожланиши мутлоқ, кунлик ва нисбий ўсиш кўрсаткичлари билан таққослаб борилди. Бузоқларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳидаги бузоқлар назорат гуруҳидаги бузоқларга нисбатан яхши ўсди ва ривожланди.

16-жадвал

**Назорат ва тажриба гуруҳларидаги бузоқларнинг мутлоқ,
кунлик ва нисбий ўсиш кўрсаткичлари**

Т/р	Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи			Тажриба гуруҳи		
		мутлоқ ўсиш	кунлик ўсиш	нисбий ўсиш	мутлоқ ўсиш	кунлик ўсиш	нисбий ўсиш
	Ўлчов бирлиги	кг	г	%	кг	г	%
1.	Давр бошидаги ўртача тирик вазни	47,0	-	-	51,0	-	-
2.	III-ойда	16,9	565	56,3	22,9	762	76,3
3.	IV-ойда	17,5	582	58,3	23,6	787	78,7
4.	V-ойда	18,8	627	62,7	24,1	803	80,3
5.	V I-ойда	19,5	651	65,0	24,7	825	82,3
6.	Давр охиридаги ўртача тирик вазни	119,7	606,3	60,6	146,3	794,2	79,4

Мутлоқ ўсиш кўрсаткичи назорат гуруҳидаги бузоқларда ўртача 119,7 кг ни ташкил этган бўлса, тажриба гуруҳидаги бузоқларда давр охирига келиб ўртача 146,3 кг ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич тажриба гуруҳидаги бузоқлар назорат гуруҳига нисбатан ҳар бир бошдан 26,6 кг дан қўшимча вазн олинганлигини кўрсатди. Ўртача кунлик ўсиш назорат гуруҳидаги бузоқларда ўртача 606,3 г ни ташкил этган бўлса, тажриба гуруҳида ушбу кўрсаткич 794,2 г га тенг бўлди.

Нисбий ўсишни таққослаганимизда, назорат гуруҳидаги бузоқларнинг нисбий ўсиши ўртача 60,6 % га тенг бўлса, тажриба гуруҳидаги бузоқларда 79,4 %ни ташкил этди. Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, ёш бузоқларни боқишда улар организмини кунлик тўйимли моддаларга бўлган талабини қондириш уларни қисқа муддат ичида тез семиришига ва соғлом ўсиши ҳамда яхши ривожланишига олиб келади. Бузоқлар сифатли ва таркибида оқсил, витамин ва минерал моддаларга бой бўлган озуқалар билан боқилиши, шунингдек уларни асраш ва парвариш қилиш шароитлари-ни яхшилаш ҳисобига 16-18 ойлик ёшида 350-400 кг тирик вазнга эга бўлади.

17-жадвал

Назорат ва тажриба гуруҳлардаги бузоқларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		Фарқи	
		назорат	тажриба		
Ўлчов бирлиги		кг	кг	+; -	%
1.	Тажриба бошидаги ўртача тирик вазни	47,0	51,0	+4,0	108,5
2.	III-ойда	63,9	73,9	+10,0	115,6
3.	IV-ойда	81,4	97,5	+16,1	119,8
4.	V-ойда	100,2	121,6	+21,4	121,3
5.	V I-ойда	119,7	146,3	+26,6	122,2
6.	Тажриба охиридаги ўртача тирик вазни	119,7	146,3	+26,6	122,2
7.	Қўшимча вазн	72,7	95,3	+22,6	131,1
8.	Жами қўшимча вазн	363,5	476,5	+113	131,1

Натижалар тахлили шунни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги бузоқлар тажрибанинг 1-ойида 63,9 кг, 2-ойида 81,4 кг, 3-ойида 100,2 кг ва 4-ойида 119,7 кг тирик вазнга эга бўлиб, давр охирида ўртача 119,7 кг тирик вазнга эришган бўлса, тажриба гуруҳидаги рационига сифатли бедадан

тайёрланган витамин ўт талқони ҳамда мускул орасига тетрамаг препаратидан қўшиб боқилган бузоқлар тажрибанинг 1-ойида 73,9 кг, 2-ойида 97,5 кг, 3-ойида 121,6 кг, 4-ойида 146,3 кг тирик вазнга эга бўлиб, давр охирида ўртача ҳар бир бузоқ 146,3 кг дан тирик вазн олишга эришди.

Кузатувлар натижаси шуни кўрсатдики, бузоқларни жинсий ва физиологик етилиш даврида тўла қимматли озуқалар билан боқиш, яъни улар рационига оқсил, витамин ва минерал моддаларга бой озуқалардан ҳамда тетрамаг препаратидан қўшиб бериш бузоқларни зот стандарти талаби даражасида вояга етишини таъминлайди ва натижада хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга олиб келади.

18-жадвал

Назорат гуруҳидаги бузоқларга сарфланган озуқалар сарфи

Т/р	Озуқалар тури	Тажриба гуруҳлари		
		жами озуқа сарфи	1 кг озуқа қиймати	жами озуқа қиймати
	Ўлчов бирлиги	кг	сўм	м.сўм
1.	Беда пичани	1200	200	240
2.	Маккажўхори силоси (сут-мум пишиғида)	1800	125	225
3.	Хашаки лавлаги	600	155	93
4.	Омихта ем	900	260	234
5.	Ош тузи	6	150	0,9
	Жами:	4506		792,9

Кузатув ишлари давомида назорат гуруҳидаги бузоқлар 1,2 ц беда пичани, 1,8 ц маккажўхори силоси, 0,6 ц хашаки лавлаги, 0,9 ц омихта ем ва 0,06 ц ош тузи истеъмол қилиб, жами озуқалар қиймати 792,9 минг сўмни ташкил қилган.

Тажриба гуруҳидаги бузоқларга сарфланган озуқалар сарфи

Т/р	Озуқалар тури	Тажриба гуруҳлари		
		жами озуқа сарфи	1 кг озуқа қиймати	жами озуқа қиймати
	Ўлчов бирлиги	кг	сўм	м.сўм
1.	Беда пичани	1200	200	240
2.	Маккажўхори силоси (сут-мум пишиғида)	1800	125	225
3.	Хашаки лавлаги	600	155	93
4.	Омихта ем	900	260	234
5.	Витамин ўт талқони	1200	300	360
5.	Ош тузи	6	150	0,9
7.	Тетрамаг, мл	0,1	7000	0,7
	Жами:	5706		1152,9

Тажриба гуруҳидаги бузоқлар ҳам 1,2 ц беда пичани, 1,8 ц маккажўхори силоси, 0,6 ц хашаки лавлаги, 0,9 ц омихта ем, 1,2 ц витамин ўт талқони истеъмол қилиб, жами озуқалар учун 1152,9 минг сўм пул маблағи сарфланган.

V. ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ

Тажриба-тадқиқот ишлари натижасида наслчилик фермер хўжалиги шароитида швиц зотли бузоқларнинг жинсий ва физиологик етилишига озиклантириш даражасини таъсири таҳлил қилинди. Ҳар қандай амалий ишнинг самараси унинг иқтисодий жиҳатдан фойдали ёки фойдасиз эканлигида кўринади. Унинг қандай даражада фойдали эканлиги эса иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларида ўз аксини топади. Шунга асосан тажрибанинг иқтисодий самарадорлик даражаси ҳисоблаб чиқарилди.

Пул даромади. Тажриба давомида эришилган тирик вазн ҳисобига олинadиган пул даромадини ҳисоблаш учун 1 кг тирик вазн баҳосига жами эришилган тирик вазн миқдори кўпайтирилади. 1 кг тирик вазннинг қиймати 11000 сўм қилиб белгиланган.

Назорат гуруҳида: Жами боқилган 5 бош бузоқдан 363,5 кг тирик вазн олишга эришилди.

$363,5 \text{ кг} \times 11000 \text{ сўм} = 3998,5 \text{ минг сўм}$ миқдорида пул даромади олинди.

Тажриба гуруҳида: Жами боқилган 5 бош бузоқлардан жами 476,5 кг тирик вазн олишга эришилди.

$476,5 \text{ кг} \times 11000 \text{ сўм} = 5241,5 \text{ минг сўм}$ миқдорида пул даромади олинди.

Озуқа сарфи. Бунинг учун тажриба учун ажратилган бузоқларга тадқиқотлар давомида сарфланган озуқалар сарфи ҳисобланади. Тажрибанинг давомийлиги 120 кун давом этганлигини ҳисобга олган ҳолда, юқоридаги рациондан келиб чиқиб:

- назорат гуруҳида 792,9 минг сўм;

- тажриба гуруҳида 1152,9 минг сўм қийматда озуқа ҳаражати қилинди.

Иш ҳақи сарфи. Тажрибага ажратилган бузоқларни ҳолатини кузатиш учун алоҳида ишчи жалб қилинди. Ушбу ишчи фермер хўжалигида шартнома билан ишлаётганлиги сабабли унга фермер 350000 сўм миқдорда

иш ҳақи белгилаган. Ушбу кузатувчига иш ҳақи сақланиб қолган ҳолда қўшимча 25% устама ҳақи белгиланди. Жами иш ҳақи қуйидагича бўлди:

$$350000 \text{ сўм} \times 25\% / 100\% = 87500 \text{ сўм} + 350000 \text{ сўм} = 437,5 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу сумма 4 ой давомида тўланди. $437,5 \text{ минг сўм} \times 4 \text{ ой} = 1750 \text{ минг сўмни}$ ташкил этди.

Дори-дармон воситалари сарфи. Тажрибадаги бузоқларни турли юқимли ва юқумсиз касалликлардан сақлаш, дезинфекция мақсадида 372 минг сўмлик дори-дармон воситалари сарфланди. Тажриба гуруҳидаги бузоқларга тетрамаг препаратидан 1 бош учун 2 мл дан, 2 ҳафтада 1 мартабадан сарфланди. Жами $372 + 7,0 = 379 \text{ минг сўм}$

Амортизация ажратмаси. Тажрибадаги швиц зотли бузоқлар тажриба давомида 5798,6 минг сўм қийматга эга бўлган бино ичида асралди. Бино иншоотининг амортизация ажратмаси 7% ни ташкил этади. Жами амортизация қиймати қуйидагича бўлди:

$$5798,6 \text{ м.сўм} \times 7\% / 100\% = 405,9 \text{ м.сўм амортизация ажратилди.}$$

Электр энергияси. 4 ойга 720 квт. $720 \times 140 \text{ сўм} = 100,8 \text{ м.сўм}$

Сув сарфи. 120 кунга $12000 \text{ сўм} = 12,0 \text{ м.сўм}$

Жами харажатларни ҳисоблаш. Жами харажатлар таркиби қуйидагича қийматга эга бўлди.

Назорат гуруҳида: $792,9 + 1750 + 372 + 405,9 + 100,8 + 12 = 3433,6 \text{ минг сўм.}$

Тажриба гуруҳида: $1152,9 + 1750 + 379 + 405,9 + 100,8 + 12 = 3800,6 \text{ минг сўм.}$

Соф даромад. Эришилган тирик вазн ҳисобига олинадиган соф даромадни ҳисоблаш учун, олинган пул даромадидан жами сарфланган харажатлар миқдори чегириб ташланади.

Назорат гуруҳида: $3998,5 \text{ минг сўм} - 3433,6 \text{ минг сўм} = 564,9 \text{ минг сўм.}$

Тажриба гуруҳида: $5241,5 \text{ минг сўм} - 3800,6 \text{ минг сўм} = 1440,9 \text{ минг сўм}$

1 сўм харажат ҳисобига олинган соф даромадни ҳисоблаш. Уни ҳисоблаш учун олинган соф даромад жами сарфланган харажатларга бўлинади.

Назорат гуруҳида: 564,9 минг сўм : 3433,6 минг сўм = 0,16 сўм.

Тажриба гуруҳида: 1440,9 минг сўм : 3800,6 минг сўм = 0,38 сўм.

Тажриба-кузатув ишларини олиб бориш учун ажратиб олинган бузоқларнинг ёши, тирик вазни, зоти хар хил, ўхшаш бўлмаган эди. Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, назорат ва тажриба учун ажратиб олинган бузоқлар бир хил шароитда 4 ой давомида боқилганда, давр охирига келиб тажриба гуруҳидаги бузоқлар ўртача 22,6 кг миқдорида қўшимча вазн олишга эришдилар, бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан олинганда 114,9% ни ташкил этади.

20-жадвал

Тажрибанинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўл- чов бирли ги	Гуруҳлар		Фарқи	
			назо- рат	таж- риба	+; -	%
1.	Бузоқлар бош соши	бош	5	5	-	100
2.	Бузоқларнинг давр бошидаги ўртача тирик вазни	кг	47	51	+4	108,5
3.	Бузоқларнинг давр бошидаги жами тирик вазни	кг	235	255	+20	108,5
4.	Бузоқларнинг давр охиридаги ўртача тирик вазни	кг	119,7	146,3	+26,6	122,2
5.	Бузоқларнинг давр охиридаги жами қўшимча тирик вазни	кг	363,5	476,5	+113	131,1
6.	1 кг тирик вазн қиймати	сўм	11000	11000	-	100
7.	Етиштирилган тирик вазн ҳисобига олинган пул даромад	м.сўм	3998,5	5241,5	+1243	131,1
8.	Тирик вазн олиш учун сарфланган жами харажат	м.сўм	3433,6	3800,6	+367	110,7
9.	Тирик вазн етиштириш ҳисобига олинган соф даромад	м.сўм	564,9	1440,9	+876	254,6
10.	1 сўм харажат ҳисобига олинган соф даромад	сўм	0,16	0,38	+0,22	237,5

Ушбу етиштирилган тирик вазн ҳисобига олинган пул даромади назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳида 5241,5 минг сўмни ташкил қилади, яъни тажриба гуруҳидаги бузоқлардан назорат гуруҳига нисбатан 131,1 % кўп даромад олинган. Шу билан бирга, тирик вазн олиш учун сарфланган жами харажатлар назорат гуруҳида 3433,6 минг сўм, тажриба гуруҳида 3800,6 минг сўм сарфланди.

Тирик вазн етиштириш ҳисобига олинган соф даромад бўйича тажриба гуруҳидаги бузоқлар назорат гуруҳига нисбатан 876,0 минг сўм кўп даромад олди, бу кўрсаткич тажриба гуруҳидаги бузоқлар назорат гуруҳига нисбатан 254,6% юқори натижаларга эришганлигини кўрсатади.

VI. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ҳозирги кунда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари хусусан, гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш энг долзарб мавзуга айланган. Гўшт маҳсулотларини арзон ва сифатли етиштириш бугуннинг бош мавзуси бўлиб қолди. Хўжаликларда бу борада турли чоралар ва тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, баъзи жойларда ҳайвонларга озуқаларни етарлича етказиб берилмаслиги, ер майдонлари билан тўла таъминланмаганлиги ва чорвачилик тармоғини механизациялаш даражасининг пастлиги гўшт маҳсулоти миқдорининг пасайиши, сифатининг пастлиги ва энг муҳими, гўшт маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Хўжаликда бу ишларни амалга ошириш учун тажриба-кузатув ишлари натижасига кўра куйидагиларни хулоса қиламиз:

Биринчи, ёш бузоқларни бедадан тайёрланган витамин ўт талқони билан боқишда улар организмни тўйимли моддаларга бўлган талабини қондириш уларни қисқа муддат ичида тез семиришини ва соғлом ўсишини ҳамда яхши ривожланишини таъминлади. Шунингдек бузоқларнинг мускул орасига юборилган тетрамаг препарати ўзининг яхши самарасини берди.

Иккинчи, бузоқларни сифатли ва таркибида оқсил, витамин ва минерал моддаларга бой бўлган озуқалар билан боқиш ҳамда асраш ва парвариш қилиш шароитларини яхшилаш ҳисобига уларни 16-18 ойлик ёшида 350-400 кг тирик вазнга эга бўлиши таҳлил қилинди.

Учинчи, тажриба давомида бузоқларни ҳар хил юқумли ва юқумсиз касалликларга қарши муддатида эмлаш, шунингдек уларни мунтазам равишда ветеринария врачлари назорати остида кузатиб бориш келажақда бақувват ва соғлом бузоқлар етиштиришнинг асосий омилларидан бири эканлиги аниқланди.

Тўртинчи, ёш бузоқларни зоогигиеник талаблар асосида сақламаслик ҳамда озиқлантирмаслик натижасида уларнинг жинсий ва физиологик

етилиши суст бўлиши, турли хил касалликларни келиб чиқиши ва чидамлилик қобилиятини пасайишига олиб келганлиги аниқланди.

Бешинчи, ёш бузоқларни тавсия этилган схемалар бўйича меъёردа озиклантириш уларнинг ўсиш ва ривожланишига, жинсий ва физиологик етилишига ижобий таъсир кўрсатиши исботланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бузоқларни жинсий ва физиологик етилиш даврида тўла қимматли озуқалар билан боқиш, шунингдек уларни янги усуллар ва технологиялар асраш ва парвариш қилиш бузоқларни зот стандарти талаби даражасида вояга етишини таъминлайди ва натижада хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини юқори бўлишига олиб келади.

Ишлаб чиқаришга таклифлар

Олиб борилган тажриба-кузатув ишларининг натижаларига кўра куйидагиларни ишлаб чиқаришга таклиф қиламиз:

Биринчидан, мамлакатимизда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва аҳолининг шахсий хўжаликларида ёш бузоқларни вояга етказиш жараёнини мавжуд шароитлардан келиб чиқиб тўғри ташкил этиш, шунингдек хўжаликларда наслдор ва маҳсулдорлиги юқори бўлган ҳайвонлар подасини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иккинчидан, аграр соҳанинг муҳим тармоқларидан бири бўлган чорвачиликни замон талаби даражасида ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун фермер хўжаликларида бузоқларни боқиш, асраш ва парвариш қилишнинг янги усуллари ва замонавий янги техника ва технологиялардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш керак.

Учинчидан, бузоқларни сифатли ва таркибида оқсил, витамин ва минерал моддаларга бой бўлган озуқалар билан боқиш ҳамда уларни тўғри асраш ва парвариш қилиш учун хўжаликларда барча шароитларни яратиш лозим.

Тўртинчидан, хўжаликларда сигирлардан олинган бузоқларни алоҳида бузоқхоналарда боқиш, уларни парваришlashда барча шароитларни яратиш ва келажакда улар билан мақсадли селекция-наслчилик ишларини олиб бориш ўзининг иқтисодий самарасини беради.

VII. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

7.1.Фуқароларни табиий офатлардан муҳофаза қилиш

Хаётимизда ўзимизни табиий офатлардан муҳофаза қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Шунинг учун фуқаролар ўзларини табиий офатлардан сақлашни билишлари зарур. Табиий офатларнинг қуйидаги турлари мавжуд: ёнғин чиқиши, ер қимирлаши, сув тошқинлари, қаттиқ бўронлар, сел оқимлари ва кўчкилар. Қор кўчиши ва қор босиши ҳамда шунга ўхшаш бошқа табиий офатлар киради. Масалан, вулқонлар отилиш натижасида ўрмонларда ўт ёниб кетиши ҳам мумкин. Бундан ташқари ёнғин ўша ўрмондаги ҳайвонларга ҳам катта зарар етказади.

Табиий офатлар - бу табиатнинг ҳалокат келтирувчи ҳодисалари бўлиб, улар аҳолининг нормал ҳаёт фаолиятини тўсатдан бузилишига шунингдек, моддий бойликларнинг вайрон бўлиши ва йўқ қилинишига олиб келади. Ёнғин сабабли ҳам одамлар уйларида ва бойликларидан, айрилиб қолиши мумкин. Бундан ташқари эҳтиётсизлик натижасида завод ва фабрикаларда ҳам ёниб кетиши ва давлатга жуда катта зарар етказиши мумкин. Шунинг учун ёнғинни олдини олиш чораларини кўриш ва ундан жуда эҳтиёт бўлишимиз зарурдир.

Ер қимирлаши-бу ер ичидаги қудратли кучлар пайдо бўлишидаги сейсмик ҳодисадир. Бу вақтда озод бўлган энергия сейсмик тўлқинлар тарзида тарқалади. Бунда ер қобиғининг бузилиши ва унинг тепаси зараланиши кузатилади. Ер қимирлаши натижасида турли хил вайронгарчилик бўлиши мумкин. Кучли ер қимирлаши натижасида баланд бинолар, кўп қаватли уйлар ва жуда катта давлат иншоотлари вайрон бўлади. Бу ҳодиса инсонлар ҳалокатига олиб келиши мумкин.

Сув тошқинлари ҳам катта табиий офатлардан биридир. Сув тошқинлари натижасида катта-катта экин майдонларни, қишлоқ ва шаҳар, катта ишлаб чиқариш иншоотларини сув босиши мумкин. Сув тошқини маълум бир вақт мобайнида бўлиб ўтадиган табиий офатдир. Бу ҳодиса

маълум бир вақт мобайнида бўлишига қарамай ҳалқ хўжалиги учун жуда катта зарар етказди ва инсонлар ҳалокатига ҳам олиб келади.

Қаттиқ бўронлар ҳам табиий офатлардан ҳолис эмас. Қаттиқ бўрон ҳам табиий офатлардан биридир. У ҳам инсонлар учун жуда ҳавфлидир. Қаттиқ бўронлар натижасида электр симлари узилиб кетиши мумкин.

Бундан ташқари қаттиқ бўронлар бўлаётган вақтларда кўчага чиқиш жуда ҳавфли ҳисобланади. Чунки, қаттиқ бўрон вақтида одамларни йиқитиб юбориши ва танасига зарар етказиши мумкин ва натижада инсонларнинг жароҳатланиши кузатилади.

Кучли сел оқимлари натижасида экин майдонларига катта зарар етказилади. Тоғлар ва адирликлардан оқиб тушаётган сел оқимлар натижасида катта йўлларни тўсиб қўйиши, ўша яқин атрофдаги қишлоқларни ювиб кетиши ҳам мумкин. Бунинг натижасида қишлоқдаги ҳайвонлар ҳам нобуд бўлиши мумкин. Бундан инсонлар ҳам жароҳатланиши мумкин ва натижада хўжаликларга иқтисодий жиҳатдан кучли зарар етказиши мумкин. Бундан ташқари ҳар хил кўчкилар, лойка кўчишлари, қор кўчишлари ҳам содир бўлади. Бундай ҳодисалар инсонлар ва ҳайвонларни ҳалокатга олиб келади.

Ишлаб чиқаришдаги авариялар натижасида машина механизм ва агрегатлар ишдан чиқади. Тез алангаланувчи материалларнинг парланиши, электр симларининг қисқа туташуви, заҳарли ва кучли таъсир қилувчи моддалар ишлатиладиган идишларнинг тешилиб қолиши тўсатдан содир бўладиган аварияларга олиб келади. Бу авариялар вақтида ишлаб чиқариш жараёнлари издан чиқади, катта ёнғин содир бўлиб, хўжаликнинг айрим тармоқлари вайрон бўлади.

Ҳайвонларни сурункали юқумли касалликлардан соғломлаштириш режаси. Истикболли режалар тузилиб, ҳайвонларни туберкулёз, бруцелёз, сенуроз ва сестицеркоз касалликларидан соғломлаштиришга йўналтиради. Ҳайвонларнинг юқумли касалликларини йўқотиш режалариши ишлаб

чиқишда ветеринария мутахассислари ёки ветеринария мутахассисларининг комиссияси ҳайвонларини жойлаштириш, уларни сақлаш технологияси, озиклантириш даражаси ва шароити, подани тўлдириш ҳолати, барча бинолар ва бинолар ҳудудининг ветеринария-санитария ҳолати, эпизотик вазият (касалликнинг тарқалиш даражаси, касалланишга шубҳа қилинадиган ҳайвонларнинг сони) чуқур ўрганилади.

Режада карантинли-чегараловчи, ташкилий хўжалик, ветеринария-санитария, зоогигиеник ва махсус чорваларнинг мажмуи кўзда тутилиб, бажариш муддати ва бажарувчи масъул шахс кўрсатилади. Режа ҳар бир аҳоли яшайдиган пункт, бўлим ёки фермадаги юқумли касалликларни тугатиш муддати ҳисобга олинади.

Истикболий режа туман ҳокимияти томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Шундан кейингина у ҳуқуқий кучга кириди ва уни бажариш шартдир. Бундай режани бажаришдан бош тортадиган ёки бажаришга қаршилик қиладиган мутахассис ёки раҳбар шахслар ветеринария қонунчилигини бузувчилар ҳисобланади ва белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Туберкулёз (сил)ни тугатиш режасини ишлаб чиқишда унга диагностик текширишлар, умумий олдини оловчи, ташкилий хўжалик ва бошқа тадбирлар қўшилиши мумкин. уларнинг тахминий саноғи қуйида келтирилган.

- Озуқаларни ерга туширишга йўл қўймаслик;
- Гўнг чиқариш учун ишлатиладиган уловларда фермаларга озуқа келтиришни ман этиш;
- Молларнинг фермага кириш жойидаги ва унинг ҳудудига келишдаги дезоборирлар, ветеринария-санитария тўсиқларини доимий ишлаб туришини таъминлаш;

- Бегона кишиларнинг, айниқса, туберкулёздан соғлом бўлмаган хўжаликдан келган кишиларнинг фермага ва ёзги лагерга киришини ман этиш;
- Туберкулёз билан касалланган кишиларнинг фермада хизмат қилишини ман этиш;
- Ферманинг ишчиларини қўшимча миқдорда махсус кийим-бошлар этик ва шахсий гигиена буюмлари (ювиниш идиши, совун, сочик ва бошқалар) билан таъминлаш;
- Хўжалик қўшни хўжалик ва туманнинг эпизоотик ҳолатини ўрганиш;
- Ҳайвонлардаги аллергия реакцияларнинг динамикаси ва натижасини таҳлил қилиш;
- Туберкулинга реакция берадиган ҳайвонларни сўйгандан кейин кўриб чиқиш;
- Зарур бўлган гистологик бактериологик ва биологик текширишлар ўтказиш;
- Хўжаликда туберкулинга ижобий реакция берадиган ва касалликнинг клиник белгиси номоён бўлган ҳайвонлар сўйиш майдонида сўйилади. Туберкулинга реакция бермайдиган ҳайвонларда ҳар 30-45 кундан кейин кетма-кет икки мартаба 3 ой оралиғида туберкулинизация ўтказиб, уларни олдини олувчи назоратга қўйиш;
- Сутни пастеризациялаш ва қаймоғи олинган сутни қайнатишни ташкиллаштириш;
- Туберкулинга реакция бермайдиган сигирлардан олинган бузоқларни ажратиб боқиш, уларга соғлом сигирларнинг сути ёки онасининг қаймоғи олинган сути (обрат)дан ичириш;
- Икки ойлик бузоқларда тери ичкарасига туберкулинизациялаш;
- Туберкулинга ижобий реакция берган бузоқларни ажратиб қўйиш, кейинчалик уларни семиртириб сўйишга топшириш;

- Туберкулинга реакция бермаган бузоқларни икки маротаба 30-40 кун оралик ва 3 ойдан кейин яна туберкулинизациялаш;

- Фермалараро, ферма ичкарасида молларни қайта гуруҳлашни, шунингдек, соғломлаштириладиган подани келтирилган ҳайвонлар ёки хўжаликда ўстирилган ҳайвонлар билан тўлдиришни ман этиш;

- Ҳайвонларни ҳар маротаба туберкулезга текширгандан кейин барча чорвачилик биноларини уювчи натрий ва формалин аралашмасининг 3% ли еритмасидан фойдаланиб, дезинфекциялаш;

- Гўнгни биотехник усулда зарарсизлантириш;

- Касал ҳайвон сақланган чорвачилик биноларининг тупроғини тозалаш ва хавфлиларини санитар таъмирлаш;

- Чорва ходимлари учун ветеринария-санитария билимларини аниқлаш, одамлар ва ҳайвонлар туберкулезининг олдини олишда шахсий гигиена қоидаларига амал қилишни тушунтириш.

Режа лойиҳасини тайёрлашда комиссия таркибига туманнинг бош ветеринария ва санитария врачлари, туман ветеринария лабораториясининг директори, хўжаликнинг раҳбари, бош ветеринария врачлари ва бош чорвалар бириктирилади. Белгиланган вақт ўтгандан кейин туман ҳокимияти тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиш бўйича текшириш ўтказилади. Хўжалик раҳбарларининг ҳисоботи тингланади ва зарур бўлса, янгидан қарор қабул қилинади. Бунда режанинг бажарилишидаги камчиликлар кўрсатилади. Қўшимча тадбирлар ва унинг амалга ошириш муддатлари белгиланади.

Ўткир юқумли касалликлардан соғлом бўлмаган хўжаликлар ва аҳоли яшайдиган пунктларда мажбурий ва тезкор тартибда тадбирлар ташкиллаштирилади ва амалга оширилади. Диагноз қўйилганидан кейин бирданига ўткир ўтувчи инфекция (оқсил) нинг ўчоғини тугатишни тезкор режаси ишлаб чиқилади. Тезкор режанинг мақсади ўткир юқумли касалликнинг ўчоғини ураб олиш, унинг тарқалишига йўл қўймаслик қисқа

муддат ичида уни тугатиш, подани, хўжаликни ва жойларни соғломлаштиришдан иборат. Ўткир юқумли инфекцияни тугатишга қаратилган тадбирлар ҳамма хўжалик барча аҳоли яшайдиган пунктлар ва хотиржам бўлмаган жойларни бирданига эгаллаш керак.

Чорвачилик ва паррандачиликдан амалга оширилиши зарур бўлган барча ветеринария тадбирларини режали равишда бир пайтнинг ўзида ташкиллаштирилиши ҳамда моддий молиявий таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун барча ветеринария хизмати мутахассислари (давлат, идоравий, хусусий) ўз иши ўринларида доимий тарзда ветеринария тадбирларининг режасини тузиш ҳамда оқилона ташкил этиб ижросини таъминлашлари талаб этилади. Бу эса турли юқумли касалликларни олдини олиш ва даволаш ҳамда тугатишида муҳим аҳамиятга эга.

Ветеринария тадбирлари қуйидаги 4-та гуруҳга бўлинади.

1. Ташкилий хўжалик тадбирлари.
2. Профилактика тадбирлари.
3. Ветеринария-санитария тадбирлари.
4. Даволаш тадбирлари.

Ушбу тадбирларни хўжалик ветеринария мутахассислар амалга оширадilar. Давлат ветеринария мутахассислари эса тадбирларнинг ўтказилишини назорат қилади ва кўмаклашади. Умумий профилактик тадбирлар хўжалик ва зоотехникавий тадбирлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Чунки бу тадбирларни амалга ошириш натижасида мол сақланадиган фермаларнинг тозалигини, сифатли ва соғлом чорва маҳсулотлари, молларнинг заҳарланиши, юқумли ва юқумсиз касалликлар билан зарарланишини олдини олишини ишлаб чиқариш таъминланади.

Умумий профилактик тадбирларга қуйидагилар киради;

1. Молхоналарни механик тозалаш.
2. Молхона атрофини гўнг ва ҳар хил чиқиндилардан тозалаш.

Ветеринария статистикасининг маълумотлари шуни кўрсатадики, касалланган ҳайвонларнинг умумий сонини 80% идан кўпроғи юқумсиз касалликларга тўғри келиб, асосан ҳайвонларни озиқлантиришнинг бузилиши ва уларни қониқарсиз сақлаш натижасида келиб чиқади ва чорвачилик тармоғига катта иқтисодий зарар келтиради.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг юқумсиз касалликлар билан касалланишини камайтириш бу чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва унинг рентабеллигининг ортишига имкон яратиш демакдир. Юқумсиз касалликларнинг олдини олишда хўжаликнинг ветеринария мутахассислари катта рол ўйнайди. Қайсики, хўжалик раҳбарларининг ёрдами билан доимо чорвачилик фермаларида тегишли ветеринария-санитария шароитларини ташкиллаштириш, шунингдек, ветеринария қонунчилиги шартларини бажарилишини назорат қилиш зарур. Бу вазифаларнинг бажарилиши кўп ҳолларда хўжаликда юқумсиз касалликларнинг олдини олиш тадбирларини тўғри режалаштириш ва ўтказишга, шунингдек, ветеринария даволаш ишларининг самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Касалликнинг олдини олиш тадбирларини хўжалик бўйича ветеринария пунктлари, участкалари хизмат кўрсатадиган ҳудуд бўйича эса туманнинг бош ветеринария врачлари режалаштиради. Режада қуйидаги асосий тадбирлар кўзда тутилади: ҳайвонларни клиник кўздан кечириш модда алмашинувининг бузилишини аниқлаш учун ҳайвонларни танлаб қонини текшириш, сийдигини-оқсил ва ацитон сақлашга, сутни бактериялар ва механик ифлосланишига: зотли эркак ҳайвонларни (буқа, айғир, чўчқа ва бошқалар) кенг қамровли текшириш. Сигир ва ғунажинларни гинекология текшириш; озуқаларнинг сифатини (протеин, каротин, кальций, фосфор кислота ва бошқа моддаларнинг сақланишига) ва сувни текшириш; чорва молларини ёзги яйловда сақлашдаги ветеринария тадбирлари; олдини олиш мақсадида антибиотиклардан АБК (ацидофил – булонли култура) ПАБК,

витами́нлар, биогенли стимуляторларни қўллаш; ҳайвон ва паррандаларни қишда сақлайдиган биноларни текшириш; туғруқ биноларининг (профилакториялар) ва гўнғхоналарнинг ҳолатини назорат қилиш; ҳайвонларни диспанцеризациялаш; ҳайвонларни ахталаш; қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг касалликларини олдини олиш масалалари бўйича ферма ишчилари билан семинар ва суҳбатлар ўтказиш; ҳайвонларнинг бошқа сонини сақлашда илғорларининг тажрибасини ўрганиш учун энг яхши хўжаликларга боришни ташкиллаштириш. Ўтказиладиган ёки бу тадбирларнинг вақтини ҳисобга олган ҳолда юқумсиз касалликларнинг олдини олиш учун йиллик ва чораклик режалар тузилади. Қайсики режада йилнинг бошида бўлган ҳайвонларнинг сонини эътиборга олмасдан, балки йил бўйича подада бўлган ҳайвонларнинг бош сони кўзда тутилади. Бунинг учун йил бошида бўлган ҳайвонлар бош сони йил давомида ёш молларнинг туғилиши, ҳайвонларнинг кимири ва чиқими эътиборга олинади.

7.2.МЕҲНАТ МУХОФАЗАСИ

Меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий социал-иқтисодий, санитария техникавий, меҳнат гигиенасининг ташкилий тадбирлари ва ёнғинга қарши тадбирлар системасидан иборат бўлиб, ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касалликларни аниқлашга, уларни бартараф қилиш ҳамда ишчи ходимларининг зўриқишини олдини олишга қаратилган.

Трактор ва комбайнларга қўйиладиган техникаси хавфсизлиги талаблари. Янги ёки ремонт қилинган трактор ва комбайнлар юргизиб чиниқтирилади. У завод кўрсатмасига мувофиқ комплектланади. Фақат ишга яроқли трактор ва комбайнларда ишлашга рухсат берилади.

Трактор ва комбайнларда руль бошқармасининг барча деталлари ишга яроқли ва пухта маҳкамланган бўлиши керак: руль люфти тайёрловчи завод белгиланган катталиқдан ошмаслиги лозим. Комбайнни иккала томонга бурганда ҳам руль бошқармаси енгил ишлаши ва тўхтаб қолмаслиги зарур. Руль гидросистемасига мой ўлчаш линейкасидаги

белгигача қуйилади. Тормоз уланганда қаттиқ йўлга энг катта тезлик билан кетаётган комбайн узунлиги кўпи билан 8 метрли участкада тўхташи лозим. Тормоз ва унинг юритмасини барча деталлари пухта маҳкамланган ва шикастланмаган, тормоз деталининг эркин йўли эса меъёр чегарасида бўлиши керак. Эркин ҳолатда турган тормоз комбайн юрганида қизиб кетмаслиги, уланган ҳолатда эса, тишли фиксатор ёрдамида ишончли тутиб турилиши лозим. Юриш қисмининг деталлари пухта маҳкамланган бўлиши зарур. Комбайн юмшоқ ёки нам тупроқда ишлаётганда 15-24 (381-626 мм) ўлчамли шиналардаги ҳаво босими $1,5 \text{ кг}\cdot\text{см}^2$ ($0,15 \text{ МН}\cdot\text{м}^2$), қаттиқ грунтда ишлаётганда эса $2,8 \text{ кг}\cdot\text{см}^2$ ($0,28 \text{ МН}\cdot\text{м}^2$) юмшоқ ва нам тупроқларда ишлаётганда бошқариладиган ғилдиракларнинг 9,00-16 (228,6-406мм) ўлчамли шиналаридаги ҳаво босими, $1,5 \text{ кг}\cdot\text{см}^2$ ($0,15 \text{ МН}\cdot\text{м}^2$) ҳамда қаттиқ грунтда ишлаётганда эса $2,5 \text{ кг}\cdot\text{см}^2$ ($0,625 \text{ МН}\cdot\text{м}^2$) бўлиши зарур. Тешилган ва протекторнинг жимжимаси тамоман ўйилган шиналар, покришкаларни ўрнатиш мумкин эмас.

Бошқариладиган ғилдиракларнинг қиялиги ва яқинлашуви (0 дан 1мм. гача) подшибникларнинг ростланганлиги меъёрда бўлиши керак.

Юриш қисми, юритмаси вариаторнинг тасмаси ишига яроқли ва тўғри танланган бўлиши зарур. Тишлашиш муфтаси силтанмасдан тўлатўкис ажралиши ва уланиши, уланганидан сўнг эса шатаксирамаслиги яхши маҳкамланган ва шикастланмаган бўлиши керак. Муфта педалларининг эркин йўли 20-25 мм. ҳисобланади. Барча узатмалар бемалол уланиши ва ажралиши, блокировкалаш механизми ростланган бўлиши лозим. Гидравлик системадан белгиланган сатхгача мой сизиши ва ҳаво сўрилишига йўл қўйилмайди. Кўприкча зина панжараларини пухта маҳкамлаш ва ифлослик мой ва чўп-хаслардан тозалаш лозим. Комбайнда ёритиш сигнализация системалари ҳам мос ҳолатда сақланади. Барча химоя кожухлари ва механизмлари жойига ўрнатилиб пухта маҳкамланади. Иш бошлашдан олдин навбатдаги техник хизмат кўрсатилади.

7.3.Озуқа цехи механизмларида ишлаш хавфсизлиги.

Озуқа цехи механизмларида ишлаганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш зарур. Машина ва механизмларни яқинига, хавфсиз ишлар йўл-йўриқларини илиб қўйиш керак. Бу машиналарни олдиға ёт кишиларни келтириш керак эмас. Бу машиналар ишлаётганда назоратсиз қолдириб бўлмайди.

Машиналарда ишлаётганларни махсус кийимлари осилиб, судралиб туриши, енгларини узун бўлиши мумкин эмас. Ишлаётган аёллар сочларини рўмоллари остига маҳкам боғлаб олиши лозим. Машина ва механизмларга ишлов бериладиган ем махсулотларини бир текисда, назорат қилиб, ташлаб туриш керак акс ҳолда уларга тош, ғишт, сим ва бошқа нарсалар аралашиб кетиши ва бирон-бир кўнгилсизлик рўй бериши мумкин.

Махсулотларни ичига ем махсулотларини қўлда ёки бирон буюм ёрдамида тикиб туриш мумкин эмас. Майдалагич ишлаётганда ем махсулотларини машинадан чиқиш томонида туриш мумкин эмас, чунки емни ичида бўлган болт, гайка ва шунга ўхшаш нарсалар ишловчини жарохатлаши мумкин.

Хамма машиналарни мунтазам назоратда ўтказиб туриш. Бузуқликларни тузатиш лозим. Электр машиналарни ўз-ўзидан ишлаб кетишини олдини олиш мақсадида магнитли ишга туширгични ўчириш билан бирга рубилникдан ҳам ўчирмоқ лозим. Озуқа цехи ёнғинга қарши воситалар билан жихозланиши талаб қилинади. Цехда хавфсиз ва гигиеник талабдаги иш шароити яратиш мақсадида оқова сувларни чиқариб юбориш қурилмалари жихозланиши керак. Поли бетонланган, маълум даражада қиялиги бор бўлиши лозим. Машина атрофида 5...7 см қалинликдаги тахтадан қилинган таглик қўйилади. Маълумки озуқа тайёрловчи машиналар хилма-хил бўлиб, улар хар-бир ишлаб чиқариш технологик чизиққа беркитилади. Улар озуқа майдалагичлар РСС-6 Б, ИГК-30 Б, КДУ-2,

КДМ-2, ПСК-5, махсус озуқа ташийдиган машина, бу машиналар билан ишлаганда куйидагиларни билиш даркор:

- озуқа цехи машиналари ҳаммаси электр энергияси билан ишлайди шунинг учун уларни корпусини албатта ерга улаш керак (заземление).

- машиналар ишлаганда таъмирлаш, техник қаров ўтказиш, ювиш, ишга тайёрлаш қаттиқ ман қилинади.

- машиналарни ишлаётганда ростлаш, созлаш ман этилади.

- машиналарда ишлаш учун махсус қарор бўлиши (идора қарори), махсус кийимлар бўлиши керак.

- ишлаш учун машиналар ишга тайёр бўлиши керак; ортиқча шовқин бўлиши ман этилади.

- буғлаш машиналари билан ишлаганда озуқа буғланиб бўлгандан сўнг люкни бирдан очмаслиги лозим.

- машиналарга техник хизмат кўрсатиш учун фақат иш якунлангандан сўнг машинани тўхтатиб, кейин хизмат кўрсатиш лозим ;

- озуқа цехида ҳамма одам ишламайди, фақат махсус дафтарчаси бор шахс ишлаши мумкин.

- озуқа цехи биносида ёки уни ёнида ёнғинга қарши жихозлар бўлиши керак лом, белкурак, кийгиз, сув, қум ва бошқа инвентарлар, озуқа тайёрлаш машиналари ишлатишдан олдин тозаланган бўлиши, мой ва мойлаш махсулотлари озуқаларни ифлослантормаслиги лозим.

IX. FOЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов.И.А. Юксак маънавият енгилмас куч Тошкент. Ўзбекистон 2008.
2. Каримов.И.А.Жахон молиявий иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари Тошкент. Ўзбекистон, 2009 йил.
3. Каримов И.А. “2011 йилнинг якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент 2012 йил 21 январ. Туркистон газетаси, 2011 йил 22 январ сони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308 сонли қарори. Тошкент 2006 йил 23 март.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-842 сонли қарори. Тошкент 2008 йил 21 апрел.
6. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида Ветеринария ишлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 20 май, 1993 йил
7. “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори. 23 февраль, 1994 йил
8. Чорвачиликда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарори. 96-сон, 24 март, 1996 йил
9. Чорвачиликда наслчилик ишларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарори. 268-сон, 12 июль, 1995 йил
10. Носиров У.Н. Қорамолчилик. Тошкент, 2001 йил
11. Хамроқулов Р, Карибоев К. Қишлоқ хўжалик хайвонларини озуклантириш. Тошкент, 1999 йил
12. Леонард Д, Витман М. Қишлоқ хўжалик хайвонларини озуклантириш. Немис тилидан таржима – Б.Абдолниёзов. Урганч, 2010 йил
13. Эрнст Л.К. и др. Скотоводство. Москва, Колос, 1992 г
14. Арзуманян Е.А. и др. Скотоводство. Москва, Колос, 1984 г
15. Калашников А.П. Нормы и рационы кормления сельскохозяйственных животных. Москва, Агропромиздат, 1985 г
16. Садовский А, Садовская Д. Бузоқларни туғилгандан то туғруқ ёшигача парваришлаш. Ж. Зооветеринария, №8, 2010 йил, 27-29 бет
17. Хаитов Р. Соғлом бузоқ олиш учун нималарга эътибор бериш керак. Ж. Зооветеринария, №4, 2008 йил, 11 бет
18. Умарова Э. Фермер хўжалигида ёш қорамолларни етиштириш бўйича тавсиялар Ж. Зооветеринария. №6. 2010. 44-45 бетлар.

19. Турсунов И. Бузоқларни соғлом парваришлаймиз Зооветеринария журналы, №12. 2008 йил, 39-40 бет
20. Умарова Э. Фермер хўжаликларида ёш молларни етиштириш бўйича тавсиялар. Ж. Зооветеринария № 2008 йил
21. Исмоилов М, Исаев М, Нуриддинов Б. Турли генотипли урғочи бузоқ ва таналарнинг ўсиши ва ривожланиши. Ж. Зооветеринария, №6-7, 2008 йил
22. Абдуллаева С. Чорвачилик маҳсулотлари бозори. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналы, 2011 йил, 10-сон, 40 бет
23. Акмалхонов Ш. Чорва молларини йил давомида бир хил озиқлантириш афзаллиги. Зооветеринария журналы, 2010 йил, 3-сон, 27 бет.
24. Алибеков Л.А., Нишонов С.А. Фан-техника тараққиёти, табиат ва инсон. Т., Мехнат, 1984
25. ДЖасимов Ф, Атабаева Х. Фермер хўжаликларида чорвачиликни шакллантиришнинг илмий асослари ва амалий натижалари. Зооветеринария журналы, 2008 йил 1-сон, 35-36 бет
26. Буругин В.А., Марцинсовский М.И. Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш. Т., Мехнат, 1980
27. Дўстқўлов С.Д. Чорва молларини урчитиш. Т., Мехнат, 1993
28. Жиямуратова З. Турли усулда боқилган бузоқларнинг ўсиши ва ривожланиши. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журналы. 2011, 6-сон, 29 б
29. Калашников А.П., Клейменов Н.И. Чорвачиликда озиқ нормалари ва рационлари. Т., Мехнат, 1988 йил
30. Носиров У.Н. ва бошқалар Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш. Зооветеринария журналы. 2009 йил, 8-сон, 33-35 бет
31. Дадабоев Ю. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришида меҳнат муҳофазаси. Тошкент, 1990 йил
32. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш. Тошкент, 1991 йил
33. Отабоев Ш.М., Набиев М.Н. Инсон ва биосфера. Т. Мехнат, 1984 йил
34. Эгамбердиев Р., Эшчанов Р. Экология асослари. Тошкент. “Ўзбекистон. 2004. 18-19-162-172 бетлар.
35. Интернет сайтлари маълумотлари:
 - agro.uz (илмий мақола ва тавсиялар)
 - google.com (чорвачилик соҳасига оид маълумотлар)
 - ziyonet.uz (чорвачилик соҳасига оид маълумотлар)
 - stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти)